Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. ◉ № 15 (6. 804) ◉ 1989 йил 18 январь, чоршанба ◉ Баҳоси 3 тийин

Тонгги газеталарда

● М. С. Горбачевнинг «Правда» газетаси редакциясининг саволларига жавоблари эълон қилинган.

● 16 январь куни Арманистонга, яқинда табиий офат юз берган зонага КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг зилзила оқибатларини тугатиш комиссиясига бошчилик қилаётган Н. И. Рижков, комиссия аъзолари Н. Н. Слюньков, Д. Т. Язов, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Л. А. Воронин келдилар. Комиссия зилзила марказидаги 40 кундан кейинги аҳвол билан танишди. «Ҳаёт тикланмоқда» сарлавҳали мақолада мазкур комиссия иши ҳақида ҳикоя қилинади.

● «Правда» газетасининг иккинчи саҳифасидаги «Ғоя бозорга чиқмоқда» сарлавҳали мақолада СССР Фан ва техника давлат комитети ҳузуридаги Ихтиролар давлат комитетининг раиси И. Наяшков газета мухбирининг Ихтирочилик тўғрисидаги Қонун лойиҳаси билан боғлиқ саволларига жавоб беради.

● «Халққа унинг номзодлари шахсан таниш» — «Известия» газетасининг шу кун мавзуидаги мақоласи ана шундай номланади.

● Александр Волков, Сергей Крикалев ва Валерий Поляковларнинг космик вахтаси давом этмоқда, деб хабар беради Учишни бошқариш маркази ТАСС хабарида.

Тошкент— Арманистонга

Ёрдам ҳиссаси

Арманистондаги қардошлар мусибати ҳамма сингари Октябрь райони меҳнаткашлари қалбини ларзага солди. Бахтсиз ҳодиса юз берган дастлабки ҳафтадаёқ бир қатор ишлаб чиқариш корхоналари, жумладан «Матбуот» полиграфия бирлашмаси, «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси, 159-қурилиш-монтаж тресты, «Ташинжстрой», «Средазгипроводхлопок», «Средазгипроцелинстрой», транспорт ва савдо корхоналари 700412 счётга 300 минг сўмга яқин пул ўтказган эдилар. Ҳозиргача ўтказилган маблағ эса икки баробар ошди.

Район саноат корхоналари, қурилиш-монтаж ва транспорт корхоналарида махсус шанбаликлар уюштирилди. Улардан тушган 100 минг сўмдан ортиқ пул фалокат юз берган районларга юборилди. Район меҳнаткашлари шунингдек арман дўстларимизга иссиқ кийим ва пойафзал жўнатдилар.

М. САВЕЛЬЕВ.

Тикувчилар ҳиммати

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси илғор ишчиларидан М. Турақулова, А. Шомаҳмудов, С. Акбарова ва бошқалар арман халқи бошига тушган оғир мусибатга ҳамдард эканликларини билдириб, амалий ёрдамга шай турганликларини айтдилар. Шу мақсадда бирлашмада бир неча ёрдам штаблари ташкил қилинди. Штабларда ишчиларнинг турли иқтисодий, маънавий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги инсонпарварлик намуналарини кўриш мумкин.

Масалан, социал, маданий-маиший фонддан 250 минг сўм пулни 700412-счётга ўтказишга аҳд қилишди. Бундан ташқари бир кунлик иш ҳақини ўтказишга ҳам азму-қарор қилинди!

— Кўплаб чеварлар эса икки-уч кун ишлаб беришга аҳд қилишди. М. Алимова, С. Сариопуло, М. Муҳамедова кабилар эса ўзларининг беш кунлик иш ҳақларини ёрдам фондига ўтказишди. Иссиқ кийимлар ҳам тўпланди. Ҳамма ёрдамга тайёр, — деди штаб бошлиғи Қўчқор Пўлатов.

С. СУЛТОНОВ.

Дардимиз бир

Собир Раҳимов районидаги «Шарқ ҳақиқати» маҳалласи аҳолисининг мажлисига йиғилганлар зилзиладан жабр кўрган қардош Арманистонга қўлдан келганча ёрдам бериш истагини билдиришди. Унда айниқса маҳалла комитетининг раиси Фаттоҳ ака Ваҳобов, ҳамда унинг ўринбосари Ҳамидулла ака Ҳакимов ўрнак бўлишди. Ўша куни 700412-счётга 530 сўм пул ўтказилди.

М. МАЪҚУЛОВА.

⊙ КПССдан СССР халқ депутатлигига номзод, В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси токарлар бригадаси бошлиғи, КПСС Марказий Ревизия комиссиясининг аъзоси Владимир Тўйчиевич ОДИЛОВ.

Замондошимиз

СССР халқ депутатлигига номзодлар

ХАЛҚ ИШОНЧИ—БУЮК БАХТ

Ушбу суратда нигоҳлари жиддий боқиб турган замондошимиз Владимир Тўйчиевич Одилов кўп йиллардан буён баракали меҳнат қилиб келади. Владимир Тўйчиевич XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг, шаҳар ва область партия конференцияларининг делегати бўлган. Хизмат юзасидан у билан кўп бор учрашишга, гаплашишга тўғри келган. У доимо табассум билан, очиқ чеҳра билан, дилдан самимий гапиришга одатланган.

— Куни кеча матбуотда Совет Иттифоқи Коммунистик партиясидан СССР халқ депутатлари сайловини ўтказувчи сайлов комиссиясининг рўйхати эълон қилинди. СССР халқ депутатлигига номзодлар орасида Сиз ҳам борсиз...

— Ҳа, менга коллективимиз, халқ томонидан жуда катта ишонч билдирилди. Халқ ишончи бу — буюк бахт. Ҳозирги қайта қуриш даврида депутат бўлиб ишлашнинг ўзи бўлмайди, албатта. Янгиланиш даври депутатлар зиммасига янги ва хилма хил вазифаларни қўймоқда.

— Владимир Тўйчиевич ҳозирги сайлов кампаниясига қандай баҳо берасиз?

— Албатта мен биринчи навбатда бу йилги сайлов кампаниясининг кенг ошкоралигини, халқпарварлигини, одамларнинг ташаббускорлигини таъкидлаб ўтмоқчи эдим. Турғунлик йилларида сайлов кампанияси ҳам номигагина ўтказиларди, иллатлардан холи эмас эди. Ўртоқ М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетининг 1989 йил январь Пленумида таъкидлаб ўтганидек, «Ҳозирги сайлов кўпгина янги, қизиқарли масалаларни, мислисиз талаблар ва вазифаларни ўртага қўяди. Уларни амалга ошириш учун келажакда қачонлардир эмас, балки ҳозирнинг ўзидаёқ жиддий идеология ишларини олиб бориш зарур».

— Партия социалистик демократияни янада ривожлантириш, ижтимоий-сиёсий турмушда ва бошқарувда ҳар бир кишини фаол қатнаштириш учун, ҳақиқий, тўлиқ халқ ҳокимиятининг тантана қилиши учун ҳамма чораларни кўрмоқда...

— Ҳа, қайта қуриш бизга демократия ва ошкораликни берди. Қайта қуриш ғоясининг ўзи инсонга ғамхўрлик туфайли юзага келган. Уни шу ғамхўрлик тақозо этган. Совет кишиларининг фаровонлигини ошириш, уларнинг турмуш даражасини яхшилаш партиямиз олиб бораётган бутун социал-иқтисодий сиёсатининг ўзагидир. Эндиликда халқ депутати фақат кўкрагига депутатлик нишонини тақиб юрмайди. У ҳақиқий, чинакамига халқ дарди билан яшайди, унинг орзу-умидларини, хоҳиш ва истакларини рўёбга чиқариш учун меҳнат қилади.

— Тўғри, бизнинг муаммоларимизни ўзимиздан бошқа ҳеч ким ҳал этиб бермайди.

— Албатта, ҳар бир киши қайта қуриш йўлида ишлар экан, у ўзи учун, оиласининг фароғати учун, Ватанимизнинг равнақи учун меҳнат қилаётганлигини тушуниб олиши керак. Ҳар бир киши қайта қуришга, уни ривожлантиришга ўзининг юксак унумли меҳнати билан ҳисса қўшиши керак. Қайта қуришнинг туб моҳияти—жамиятимизни маънавий соғломлаштиришдан иборат.

— Айни пайтда халқ фаровонлигини ошириш учун биринчи галда қайси вазифаларни амалга ошириш керак?

— Менинг назаримда биринчи навбатда энг муҳим бўлган долзарб масалалар — аҳолига медицина хизмати кўрсатишни, уй-жой, озиқ-овқат Программаларини ва ниҳоят миллатлараро муносабатларни ижобий ҳал этиш лозим. Меҳнатсиз даромад топувчиларга қарши курашни кучайтириш керак. Кейинги пайтда бу иш анча сусайиб қолганга ўхшайди. Аҳолини кенг истеъмол буюмлари билан ҳам таъминлаш кўнгилдагидек эмас.

— Сиз ҳозир миллатлараро муносабатларни ижобий ҳал этиш керак, деган жумлани ишлатдингиз. Шу масалада Сизнинг фикрингиз қандай?

— Биз шуни унутмаслигимиз керакки, совет халқлари ягона бир оила. Бу оила «Аврора» садолари остида капитализмга қарши бир тан ва бир жон бўлиб курашилган чоғларда вужудга келган. Дўстлик совет кишиларининг қонига ўз эрки учун, озодлиги учун бўлган курашларда, жангу-жадалларда кирган ва тобланган. Биз ҳамиша ленинча миллий сиёсатга риоя этишимиз керак. Интернационал тарбия муаммосини миллий муаммолардан ажратган ҳолда ҳал этиб бўлмайди. Чунки каттами, кичикми, ҳар бир халқнинг асрлар давомида туғилган миллий урф-одатлари, анъаналари бор. Уларнинг ҳаммаси миллий хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда ҳал этилиши лозим.

— КПСС Марказий Комитетининг миллий ва миллатлараро муносабатларга бағишланадиган бўлажак Пленумидан умидингиз қандай? Миллатлараро дўстликни қандай йўллар билан мустаҳкамлаш мумкин?

— Бўлажак Пленумдан умидимиз катта. Пленум қайта қуриш, янгиланиш даврида миллий муносабатлар бўйича кундаланг бўлган айрим масалаларни одилона ҳал этади, деб ишонаман. Айниқса, бу борада Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг идеология комиссияси республикада тилни ривожлантириш истиқболларига, СССР халқларининг тилларини эркин ривожлантириш ва улардан тенг ҳуқуқли фойдаланиш тўғрисидаги СССР қонунини тайёрлашга доир таклифларини кўриб чиқиш билан шуғулланувчи ишчи группасини тузганлигини табриклаш керак.

Умуман ҳар бир миллат бир-бирини ҳурмат қилиши керак. Ҳурмат бор жойда дўстлик қарор топади, мустаҳкамланади. Буларнинг ҳаммаси миллатлараро дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Суҳбатни Т. ТОШЕВ ёзиб олди.

Т. Каримов фотоси.

Илғорлар сулоласи

⊙ Тошкент мебель фабрикасида ишлаб чиқарилаётган стул ва креслоларга бўлган талаб йилдан йилга ошиб боряпти. Турли корхона ва бирлашмалар ўз буюртмалари билан тўғридан тўғри шу фабрикага мурожаат қилишяпти.

Якунловчи босқичда маҳсулотнинг сифатли бўлиши учун барча технологик босқичлардаги иш сифатли қилиб бажарилиши керак. Ёғочга ишлов бериш цехида ишлаётган Алижон Мақсудов ва Юнус Мансуровлар сифат масаласига катта эътибор беришади. Уларнинг ҳар иккиси бригада етакчилари бўлиб, ҳамкасбларига намуна кўрсатишяпти. Ишлаб чиқариш топшириғини муваффақиятли адо этаётган ҳар иккала коллектив ўтган йил якунларига кўра социалистик мусобақада ғолибликни қўлга киритишди. Фабрикада бу икки ишчини илғорлар сулоласи бошлиқлари деб аташади. Алижон Мақсудовнинг икки ўғли ҳам отаси билан ҳамкорликда, токарь ва юмшоқ стуллар цехи ишчиси бўлиб ишлашади.

Илғорлар сулолалари бугун янги режаларни адо этишга астойдил ҳаракат қилишяпти.

Н. ШАФИҚОВА,
Тошкент мебель фабрикаси касаба союз комитети раиси.

Буюртмалар кўпаймоқда

⊙Республика кўзи ожизлар жамиятига қарашли чўтка ва картон буюмлари комбинати коллективи мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиб, ишлаб чиқаришни интенсивлаш, қувватлардан тобора самарали фойдаланиш учун ҳаракат қилаяпти.

Буни ўтган йилги натижалардан ҳам билса бўлади. Коллектив маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш бўйича ўн иккинчи беш йилликнинг учинчи йили топшириқларини муддатидан ўн беш кун аввал адо этди. Меҳнат унумдорлигини ўстириш, интизомни мустаҳкамлаш эвазига тайёрланган маҳсулот ҳажми 14 процент ўсди.

Корхона шаҳримиздаги кўплаб саноат корхоналарига ўраш ва қадоқлаш буюмлари, турли хил сифатли чўткалар тайёрлаб беради.

Шунингдек коллектив машинасозлик корхоналари буюртмаларини ҳам тез ва соз бажаришга ҳаракат қилмоқда. Кейинги вақтларда бу ерда буюмлар тури анча кўпайди. Айниқса бинокорлар учун ҳар хил катталикда чўткалар тайёрлашга эътибор кучайтирилди.

Д. ОБЛАЕВ.

Массив жамоли

Шаҳримизнинг Куйбишев шоссесида қурилаётган янги массив тобора кенгайиб ва кўркамлашиб бормоқда. Бу ерда яқин вақтларгача бўш ётган майдонларда бугун кўп қаватли турар жой ва маданий-маиший бинолар қад кўтармоқда. 2000 йилга қадар ҳар бир оилани алоҳида квартира билан таъминлаш учун ҳали шаҳарда жуда кўп уйлар қуриш керак. Шу сабабдан ҳам турар жой объектлари қурилишига партия, совет ташкилотлари томонидан алоҳида эътибор берилмоқда.

Шу кунларда Асрор Саидов бошчилик қилаётган 21-қурилиш бошқармаси (1-уйсозлик комбинати) қурувчилари жонбозлик кўрсатмоқдалар. Уйсозлик комбинатида 3 та монтажчилар бригадаси, ҳамда 2 та пардозловчилар бригадаси ишлаяпти. Монтажчилар ишни тез ва сифатли бажаришга бор куч ва ғайратларини сафарбар қилган ҳолда монтаж ишларини муддатидан анча олдин бажардилар.

Бинокорлар шаҳримиз аҳолисига шу йилнинг 1-кварталидаёқ 4 та бинони фойдаланишга топширадилар. Январь ойининг охирида эса 8, 9, 16-уйлар ўз эгаларига топширилади.

Айни пайтда уйсозлик комбинатида ютуқлар билан бирга камчиликлар ҳамда ҳал қилиниши қийинлашаётган муаммолар ҳам йўқ эмас.

— Бизга тайёр уйлар ўз вақтида етказиб берилмаяпти, натижада ишчиларнинг кўп вақти бекор кетяпти, — деди биз билан суҳбатда пардозловчилар участкасининг прорабы Р. Тошпўлатов.

— 1-йирик панелли уйсозлик комбинати панеллар билан ўз вақтида таъминламаяпти, умуман арматура, сантехника, бетон каби қурилиш материалларининг етишмаслиги бирмунча қийинчиликлар туғдиряпти. Агар бу муаммолар ҳам тезроқ ҳал қилинса, қурувчиларимиз муддатидан анча илгари кенг ва шинам уйларни шаҳар меҳнаткашларига топшириш имкониятига эга бўладилар. 21-қурилиш бошқармасининг илғор монтажчилари Сергей Рохман, Вадим Волков, Владимир Шустов, Самигулла Бисарев, моҳир пайвандчилар Э. Мавленқулов, Ф. Давлетов, Б. Паклар катта ҳисса қўшмоқдалар.

М. ЙЎЛДОШБОЕВА,
ТошДУ студенти.

Ҳуқуқий билимлар оммалаштирилди

Шаҳар мактабларида ўқувчи ёшларни ҳуқуқий билимлар билан қуроллантириш йўлида қатор муҳим тадбирлар кўрилмоқда. Бунда Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти тарих факультети профессор-ўқитувчиларининг амалий ёрдамлари катта бўляпти. Шаҳримиздаги 64, 73, 90-ўрта мактабларда тарих ҳамда совет давлат ҳуқуқи асослари предметлари машғулотларини ташкил этишда педагог олимлар ўқув-методик ишланмалари қўл келмоқда.

Олий ўқув юртининг «Совет ҳуқуқи асослари» кафедраси эса 114-мактабни ўз оталиғига олиб, юқори синф ўқувчилари ўртасида ҳуқуқий билимларни оммалаштиришга киришди. Кафедра ташаббуси билан илм масканида «Ёш ҳуқуқшунос» клуби ҳам иш бошлади. Клуб машғулотларига мактабнинг 8—10-синф ўқувчилари актив қатнашиб, совет ҳуқуқи асослари курсидан олган билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаб бормоқдалар.

Шунингдек, қонунбузарликнинг олдини олишга доир мазмунли суҳбатлар ҳам уюштирилмоқда. Клуб тарбияси оғир болаларни оталиққа олиб, улар билан яқиндан шуғулланмоқдалар. Клубда қонуншунос олимлар ва юстиция ходимлари билан учрашувлар уюштирилди. Бундай тадбирларга ўқувчиларнинг ота-оналари ҳам таклиф қилинмоқда.

А. АЛИЕВ.

«Ташгоршвейбыт»га қарашли 2-ательеда Ф. Чутбаева, Ф. Бельцов, Г. Швецовалар меҳнат қилишади. Буюртмаларни сифатли бажаришга ҳаракат қилишяпти.

У. Усмонов фотоси.

Сўнгги соатда

НЬЮ-ЙОРК. АҚШнинг энг катта телекомпанияларидан бири — Си-Эн-Эн телекомпанияси Михаил Горбачевнинг ўтган йилнинг 7 декабрида Нью-Йоркда БМТ Бош Ассамблеясининг сессиясида сўзлаган нутқининг телевидение орқали кўрсатилишини якшанба куни такрорлади. Совет раҳбарининг нутқи «Шу йилнинг машҳур кишиси» программаси доирасида такроран кўрсатилди.

Такрорий кўрсатувни фақат америкаликлар эмас, европаликлар ҳам яна кўришга муваффақ бўлдилар. Си-Эн-Эн телекомпанияси уни Европа канали орқали икки марта — шанба ва якшанба кунлари кўрсатди.

«М. С. Горбачев нутқини кўриш ва эшитиш имкониятига эга бўлмаган кишилар яна бир имкониятга эга бўлишларини истайман, — деди АҚШдаги «Тернер Бродкастинг систем» (Ти-Би-Эс) телевизион компаниясининг президенти, Си-Эн-Эн телекомпаниясининг вице-президенти Тед Тернер Жоржия штатидаги Атланта шаҳрида ТАСС мухбири билан телефон орқали суҳбатда. — Бундай нутқни ҳамма кўриши ва эшитиши лозим. Си-Эн-Эн бутун дунёга эшиттириш беради, шу сабабли ҳамма жойда одамлар ана шундай имкониятга эга бўладилар». Тед Тернер совет раҳбарининг БМТдаги нутқини «давримиздаги энг муҳим нутқ» деб атади.

МАНАГУА. Никарагуадаги АҚШ элчихонаси ҳомийлигида иш олиб бораётган катта савдо-саноат эгаларининг оппозициячи сиёсий партиялари ва ташкилотларининг Манагуада бўлиб ўтган ҳукуматга қарши намойишни кўчалардаги оммавий тартибсизликларга айлантириш учун уринишлари барбод бўлди. Сандиночилар полицияси гражданларнинг сиёсий фаолият эркинлиги конституцион ҳуқуқларини бажариб, кўча юришлари вақтида тартибни таъминлади.

Очиқдан-очиқ аксилинқилобчи шиорлар остида ўтган намойиш ташкилотчиларининг иғвогарлик кайфиятларига қарамай, ҳеч қандай жиддий можаро қайд этилмади. АҚШнинг Манагуадаги элчихонаси ҳукуматга қарши ана шу намойишни ташкил этиш учун 25 минг доллар ажратгани намойишдан бир кун олдин маълум бўлди. Реакциянинг «бир ёки икки намойишчи ҳалокатини» келтириб чиқариб, Никарагуада гўё «инсон ҳуқуқлари қўпол равишда бузилаётгани» хусусида шовшувли кампанияни авж олдириб юбориш мақсадида бу жиноят учун бутун айбни маъмурлар устига тўнкаш режалари ошкора бўлиб қолди.

Баъзи маълумотларга қараганда, ҳукуматга қарши намойишда деярли 15 минг киши қатнашди, оппозиция раҳбарлари эса Манагуа кўчалари орқали 30 минг никарагуалик ўтди, деб даъво қилмоқдалар. Бироқ ҳар иккала рақамнинг ҳам принципиал аҳамияти йўқ. Кўча юриши чоғида намойишчиларнинг асосий кўпчилиги... намойиш қандай мақсадда ўтказилаётганлигидан умуман бехабар эканликлари маълум бўлиб қолди.

ТАСС мухбири намойиш қатнашчилари билан суҳбатда уларнинг кўплари Чонталес, Боако, Леон департаментларидан ва мамлакатнинг бошқа районларидан келган оддий деҳқонлар эканлигини аниқлади. Улар катта заминдорларнинг мулкларида меҳнат қиладилар. Ана шу заминдорлар уларни «пойтахт билан таништириш» баҳонаси билан Манагуага олиб келганлар. «Сандиночиларга қарши йиғинда иштирок этиш учун олиб келишганини Манагуага келганимиздан кейингина тушундик. Бу ишлар бизга ёқмайди», — деди деҳқонлардан бири.

Намойишчилар сафидаги сандиночилар ҳукуматининг асосий душманлари чет эл журналистлари ҳузурида намойиш қатнашчиларининг ҳар бири гўё ўз хоҳиши билан иштирок этаётгандек қилиб кўрсатиш учун беҳуда уриндилар. Алданган деҳқонларнинг кайфияти ҳам, юришнинг умумий манзараси ҳам бунинг бутунлай аксини кўрсатиб турарди. Намойишчилар ўз ихтиёри билан келмаганлигини яшириб бўлмасди. Намойишнинг энг ашаддий ташкилотчилари ҳукуматга қарши юришнинг театр тусида эканлиги кенг оммага маълум бўлишига йўл қўймаслик учун чет эл телевидениеси репортёрлари ишига халақит беришга уриниб кўрдилар.

МЕХИКО. Мексикада автомобиль овозини сўндиргич ихтиро этилди. у ўзининг асосий вазифасини бажаришдан ташқари айни пайтда машина ишлаб чиқарган газнинг 50 процентини ўзига сингдиради. Унинг корпусида техник спиртларга олтингугурт аралаштириб тайёрланган суюқлик билан тўлдирилган алоҳида спираль бор. Бундай конструкция машинадан чиққан газдаги энг заҳарли моддалар — қўрғошин ва углерод оксидининг анчагина қисмини ушлаб қолишга имкон беради. Мехико шаҳрининг тутундан нафаси бўғилмоқда, мутахассисларнинг ҳисоблашларича, бу тутуннинг 80 проценти салкам 3 миллион автомобилдан чиққан газдан иборат. Ана шундай шароитда ихтиронинг аҳамияти жуда беқиёсдир.

Ҳозир Мексика шаҳар тараққиёти ва экологияси министрлиги лабораториясида янги овоз сўндиргичнинг комплекс синови бошланди. Дастлабки натижаларнинг ўзиёқ унинг юқори самарали эканлигини кўрсатди. Бундай овоз сўндиргични оммавий равишда ишлаб чиқариш планетадаги аҳолиси энг кўп шаҳарнинг экология вазиятини анча соғломлаштиришга имкон бериши кутилмоқда.

Давр кишиси

ЭРТА ТОНГ. Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси эшигидан тинимсиз одамлар оқими ўтиб боради. Улар орасида токарь Илья Ефимович Колтун ҳам бораяпти. У заводнинг ремонт-механика цехи марказлашган ремонт участкасига ишга келганида янги участка энди оёққа тура бошлаган, етишмовчиликлар эса ҳали кўп эди. Ёш ишчи деталнинг етишмайдиган қисмларини, штампларни тайёрлар, қўлидан келмаган иши йўқ эди.

Участкада кундан-кунга янги-янги ускуналар, станоклар ишга тушиб, шароит мукаммаллашиб борарди...

Ўшандан бери мана орадан салкам 30 йил вақт ўтди. Бу вақт ичида корхонада катта ўзгаришлар содир бўлди. Кенг, ёруғ хоналар замонавий техника билан жиҳозланди. Энг асосийси эса ишчиларнинг ўзлари таққослаб бўлмас даражада ўзгариб кетишди.

Бир куни цехда жўмракнинг клапани ишдан чиқди. Бу кўп миқдорда кислота оқиб кетиши — йўқотилишига олиб келиши мумкин эди. Кўпчилик бутун цехнинг ишини кам деганда бир ярим соатга тўхтатиш керак, деб мулоҳаза билдирди. Шунда ҳамманинг фикрини тинглаб, фикран тарозига солиб ўтирган бригадир бу ишни уч киши 20 минутда тўғрилаши мумкин, деган таклиф билан чиқди. Слесарлардан Маткарим Тўйчиев ва Николай Ивановлар билан биргаликда ишга киришишди. «Эплаб бўлмайди», — деди кимдир, «Илья Колтун қўл урдими, албатта айтган вақтида, балки олдинроқ ҳам тўғрилаб улгуради», — дейишди яна кимлардир. Улар тўғри фикр билдиришганди: уч ишчи ўз вазифаларини ўн беш минутда битиришди!

Бу тажрибали ишчининг ўз ишига ижодий муносабатига келтирилган биргина мисол. У ҳамиша бор кучи ва билимини қадрдон корхонасига сарфлайди.

Илья Ефимович ишдан ажралмаган ҳолда Тошкент политехника институтининг механика факультетини тугатгач, мастер, сўнгра коллектив унинг тиришқоқлиги, ташкилотчилигини ҳисобга олиб корхонанинг 14-гальваника цехига бошлиқ этиб сайлади. Бу цех пахта териш машиналари мураккаб деталлардан бири — шпиндель тайёрлайди. Бу цех масъулияти нақадар салмоқли эканлигини тасаввур этиш қийин эмас. Цех бир неча йилдан бери илғорлар қаторидан ўрин олиб келмоқда. Коллектив бундай муваффақиятга цехдаги ҳар бир ишчи ўз мажбуриятини аниқ бажариши, иш жойини тартибли сақлаши, бутун коллектив муваффақиятига шахсан масъул эканлигини ҳамиша ҳис қилиб туриши эвазига эришди.

«Ташсельмаш»да Илья Ефимовични фақат тажрибали мутахассис сифатидагина эмас, ҳар қандай дақиқада ўз тажриба ва билими билан ўртоқлаша оладиган ҳозиржавоб ўртоқ сифатида ҳам яхши билишади.

— 14-цех етакчиси И. Колтун ҳақиқатан давр кишиси, — дейди корхона давлат қабули бўлимининг бошлиғи Эдмунд Карлович Гензе.

— Бизда ҳам албатта ҳар хил одамлар бор. Баъзи ишчилар ҳақида умуман ёмон гапириб бўлмайди. Ишда ҳам илғор, юриш-туришда ҳам. Айниқса у тайёрлаётган маҳсулот сифатига эътирозимиз йўқ, лекин кузатиб қарасанг, у кўпроқ бошқалардан ажралиб қолаётгани, фақат ўзи учун ишлаётгани сезилади. Ҳозир давр биздан фақат ишда илғор бўлишни эмас, бошқа нарсаларни ҳам талаб қилаяпти. Илья Ефимович ана шу талабларга айнан жавоб беради.

Коллективда ёш ишчилар ҳам кўпинча маслаҳатли иш чиқиб қолгудек бўлса И. Колтунга мурожаат қилишади. Мисол учун цехга ишчи Андрей Генодман ўрта мактабни битириб ишга келган. Ҳеч қандай тажрибаси йўқ, дастлаб иш бошлаши қийин бўлди. Лекин Илья Ефимович ёрдамга келди. Мана, ҳозир ёш кадр яхши мутахассис, сиртдан Тошкент политехника институтида ўқийди. Бир сўз билан айтганда, ҳаётда ўз йўлини топиб олди.

Ҳаётда ҳеч бир нарса изсиз қолмайди. Унинг кўксини «Ҳурмат Белгиси» ордени безаб турибди. У меҳнат ветерани, қолаверса ёшларнинг меҳрибон мураббийси.

Д. ОБЛАЕВ.

ХАЛҚ НАЗОРАТЧИСИ

№ 2 (266)

Иш тажрибасидан

Қайта қуриш йўлидан

Сергели район халқ контроли комитетига шикоят тушди. Унда районга қарашли баъзи халқ хўжалиги объектларида социалистик мулкни авайлаб сақлаш ишига етарли эътибор берилмаётганлиги хусусида сўз борарди. Дарҳол тажрибали назоратчилар активидан рейд бригадаси тузилди. Унинг составига район ички ишлар бўлими хизматчиларидан ҳам бир неча киши киритилди. Бир ҳафта давом этган текширувда «Сергели» мебель ишлаб чиқариш, «Комфорт» ҳамда табиий ва сунъий чарм ишлаб чиқариш бирлашмаларида майда ўғирликлар содир бўлаётганлиги аниқланди. Масалан, «Сергели» мебель ишлаб чиқариш бирлашмасида 15 кишидан 65 сўмлик ўғирланган нарса тортиб олинди. Айбдорлардан бирига 100 сўм жарима солинди. 14 кишининг иши чора кўриш учун иш жойларига жўнатилди. Шунингдек, қолган икки корхонада ҳам ана шундай ҳол содир бўлди. Ушбу масалага бағишланган комитет йиғилишларида корхоналарнинг раҳбарлари қаттиқ огоҳлантирилдилар.

Корхона ва ташкилотларда металлом топшириш ишлари қай аҳволда бораётганлиги ҳам район назоратчиларининг эътиборидан четда қолмади. Рейдда ўтган йили 21 корхона ва ташкилот томонидан 847 тонна қора ва 40,5 тонна рангли металлар кам топширилгани аниқланди. Айниқса, бу борада электромеханика ва ремонт-механика заводларида аҳвол ёмон. Электромеханика заводи (директори Д. Н. Гридин) 10 ой давомида 135 тонна қора ва 21 тонна рангли металларни етказиб бера олмади. Завод гражданлар томонидан топширилган эски телевизорларни ўз вақтида бўлакларга ажратиб, қабул пунктларига ўтказиш масаласини тўла ҳал этмаган. Рангли металл плани бажарилмагани учун завод 4 минг сўм жарима тўлади. Металлом йиғиш майдони талабга жавоб бермайди. Металлар сифатига қараб ажратилмайди. Баъзи жойларда эса улар ахлатлар билан қоришиб ётибди. Текширув кунида завод территориясида 70 тонна қора ва рангли металлар сочилиб ётганлиги аниқланди.

«Минтрансстрой»га қарашли ремонт-механика заводида 10 ой давомида пландаги 1079 тонна ўрнига 919 тонна қора ва 22 тонна ўрнига 12,7 тонна рангли металлар топширилган. Бутун завод территорияси бўйлаб металл бўлаклари, эски агрегатлар сочилиб ётибди.

Шунингдек, турар жой эксплуатацияси ишлаб чиқариш бирлашмаси, 9-«Автодормехбаза»да ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Бу корхоналарнинг раҳбарлари металлом топшириш планини бажаришни гўё унутиб қўйгандек кўринишади. Натижада саноат зонаси ва Чирчиқ канали бўйларида юзлаб тонна қора ва рангли металлар ташландиқ ҳолда ётибди.

Район халқ контроли комитетида 8 та штатсиз бўлим ишлаб турибди. Бу бўлимларда 60 нафар тажрибали инспекторлар иш олиб боришмоқда. Халқ контроли комитети номига район меҳнаткашларидан ўтган йили ўттизга яқин ариза ва шикоят хатлари тушди. Комитетнинг ўзида қирқдан ортиқ киши қабул қилинди. Ариза ва шикоятлар оператив равишда кўриб чиқилди ва айбдорлар жазоланди.

Ҳозир районда ишчи назоратчилар группасининг ишини координациялаш бўйича оператив группа иш олиб боряпти. Ишчи назоратчилари билан комитет ўртасида мустаҳкам алоқа боғланган. Ҳафтанинг ҳар тўртинчи кунида ишчи назоратчилари ҳисоботи тингланади. Бу группанинг ташкил этилиши натижасида комитет адресига тушаётган ариза ва шикоятлар кескин камайди.

Биз бу мақолада район назоратчиларининг баъзи ибратли ишларидан лавҳалар келтирдик, холос. Аслида улар фаолиятидан бундай ижобий мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бир сўз билан айтганда, комитет ўз ишини қайта қурмоқда.

М. КОМИЛЖОНОВ.

Сифат — бош мезон

Маҳсулот сифатини яхшилаш учун нима қилиш керак? Тошкент экскаватор ишлаб чиқариш бирлашмаси халқ назоратчилари олдида мана шу савол кўндаланг турарди. Бунинг учун барча цехлар, участкалар бўйича рейд ўтказиш керак. Сифатсизлик қаердан бошланаётганининг илдизини топиш керак.

Бош группанинг навбатдаги йиғилишида эътибор шу масалага қаратилди. Текширув плани ва йўналиш тасдиқланди. Текширувчиларга тажрибали назоратчилар В. Антошкин ва М. Шагалиевлар бошчилик қилишди. Бир ҳафталик кўрик давомида сифатсизлик борасида кўп масалалар ойдинлашди, камчиликлар аниқланди. Ҳамма гап йиғув цехидан ва деталь тайёрлашдан бошланаётган экан. Ишчиларнинг шошма-шошарлиги туфайли баъзан деталларни тайёрлашда стандартдан чекиниш ҳоллари ҳам содир бўлаётган экан. Натижада тайёрланаётган машиналар белгиланган муддатини ўтамай, ремонтга муҳтож бўлиб қолишяпти.

Назоратчилар бу сифатсизликнинг олдини олишди. Деталларни тайёрлаш устидан қатъий контроль ўрнатилди. Нуқсонли маҳсулотлар қабул қилинмайдиган бўлди. Уларни тайёрловчилар квартал мукофотидан маҳрум қилинди. Бу тадбирлар ўзининг самарасини берди. Сифатсизлик барҳам топди.

Ўзига топширилган ишга масъулият билан ёндошганлари ва уни кўнгилдагидек бажарганлари учун корхона халқ контроли бош группаси тавсияси билан назоратчилар В. Антошкин ва М. Шагалиевлар маъмурият томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланишди.

М. НУРИДДИНОВ.

СУРАТДА: халқ назоратчилари, Куйбишев район Советининг депутати В. Антошкин ва меҳнат ветерани М. Шагалиевларни кўриб турибсиз.

Масъулият ҳисси

С. Султонов бир неча йилдан бери «Учқун» тўқимачилик-галантерея ишлаб чиқариш бирлашмаси халқ контроли бош группаси аъзоси сифатида фаолият кўрсатиб келади. У ўзига топширилган барча вазифаларни масъулият билан адо этади.

Бош группа адресига тўқув цехидан шикоят тушди. Унда цехда ишлаб чиқарилаётган штапель рўмолларнинг сифатсизлиги қайд этилганди.

Махсус комиссия тузилди. Унга тажрибали назоратчи С. Султонов бошчилик қилди. Цех бошлиғи Р. М. Мелькоян билан суҳбатлашдик.

— Станоклар эски. Уларни аллақачон янгиси билан алмаштириш керак. Ҳамма гап шунда, — деди у гапни лўнда қилиб.

Цехда беш турдаги рўмол ишлаб чиқарилади. Биргина штапель рўмолнинг ўзидан 28 хили тайёрланади. Ахир бу озмунча маҳсулотми? Унга сарф этиладиган меҳнатни айтмайсизми?

Комиссия икки кун давомида аҳволни чуқур ўрганди. Чиндан ҳам цех бошлиғи ҳақ бўлиб чиқди. Комиссия қарори корхона раҳбарлари эътиборига етказилди.

Назоратчилар меҳнат интизоми масаласига ҳам катта эътибор беришади. Масалан, яқинда С. Султонов бошчилигида бу борада ўтказилган текширув ҳам яхши натижа берди. Ишга кечикиб келувчи ва эрта кетувчилар қатъий огоҳлантирилдилар. Уларнинг номлари назоратчиларнинг «Прожектор» номли деворий газетасидан ўрин олди.

Бу газета ишчилар ўртасида меҳнат интизомини мустаҳкамлашда, ташмачиларга ва сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга қарши курашда муҳим роль ўйнаяпти.

И. ЗОИРОВ.

Фотоайбнома

«Бирники — мингга...»

Мана бу турна қатор троллейбуслар шаҳримизнинг энг гавжум кўчалари бўйлаб Аэропорт ва Олой бозори оралиғида қатнайди. Ушбу транспортларни бошқарувчилар орасида меҳнат илғорлари, эл таҳсинига сазовор бўлган ҳайдовчилар ҳам кўплаб топилади. Лекин «Бирники — мингга...» деганларидек, баъзи ҳайдовчиларнинг бебошликлари кўп сонли коллектив шаънига доғ туширмоқда. Шунинг учун бўлса керак, 14-маршрутда қатновчи пассажирлар номидан редакциямизга тез-тез шикоятлар келиб турибди. Уларда йўловчилар бекатларда машиналарни 15-20 минутлаб, ҳатто ундан ортиқ кутиб қолаётганлари ҳақида ҳақли эътирозлар билдиришмоқда.

Фотомухбиримиз М. Нуриддинов куни кеча шу маршрут қатнови билан қизиқди. У троллейбусларнинг сўнгги — Олой бозори бекатида бўлганида ғаройиб воқеанинг гувоҳи бўлди. Ҳали эрталабки соат 10 бўлмай туриб, бир йўла бешта машина ҳайдовчиси тушликка чиққан эди. Шу куни саф тортиб турган бу троллейбуслар бир-бир ярим соатдан мўлроқ ҳаракатсиз турди. Бекатларда эса 14-троллейбусни кутавериб одамларнинг тоқати тоқ бўлди. Мана, ниҳоят машиналардан бири ҳаракатга келди. «Гур» этиб троллейбусга чиққан одамлардан бири ҳайдовчига юзланди:

— Ахир инсоф борми, ука. Наҳотки, бир соат пойласак!

— Мен нима қилай. График бўйича тушлик қилдим, — деди ҳайдовчи қизариб-бўзариб.

— График бўйича эмиш. Ҳамманг шунақасанлар...

Ким билсин, балки чиндан ҳам бу ҳайдовчида айб йўқдир. Бошқалар графикни бузгани сабабли ўшалар ҳисобига қатнов камайгандир. Лекин тоқати тоқ бўлган одамлар буни суриштириб ўтиришармиди!

М. ОРИПОВ.

Нуқсонлардан кўз юмиб бўлмайди

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида ташкил этилган «Саломатлик» комплекс программаси ишчилар соғлиғини мустаҳкамлаш, уларнинг меҳнат шароитини яхшилаш, медицина хизмати сифатини оширишда муҳим роль ўйнамоқда.

Текширув бу борада қўлга киритилган ютуқлар билан бир қаторда камчиликлар ҳам мавжудлигини кўрсатди. Коллективда касаллик туфайли иш вақтини йўқотиш катта ҳажмни ташкил қилади. Бу миқдор ўтган йили 1985 йилга нисбатан янада ўсди. Корхона цехларидаги мотор товушлари ва тебранма кучларни камайтириш бўйича ишлаб чиқилган тадбирлар ҳамон ниҳоясига етмаяпти. Даволаш-профилакторий тадбирлари тўла ҳажмда ўтказилмайди. Шовқин-суронли ишлар билан боғлиқ бўлган кишилар медицина кўригидан мунтазам ўтказиб турилмайди. Корхона маъмурияти томонидан агрегат цехида ишловчи йиғувчилар учун рационал меҳнат режимини жорий этиш бўйича эълон қилинган буйруқни бажариш юзасидан ҳеч қандай чора амалга оширилмаяпти.

80-цехга ўрнатиш учун мўлжаллангган 10 та овоз ютиш агрегатлари ҳамон ишга туширилмаган. 8-цехда эса гидропроцедура хизмати ташкил этилмаган. 34-цехнинг бўёқ бўлимига ҳаво тортиш вентиляцияси ўрнатилмаган.

Иш жойида жароҳат олиш ҳоллари давом этмоқда. Ўтган йилнинг 11 ойи мобайнида 54 ноҳуш ҳодиса ҳисобга олинди. Корхонага қарашли стационар-касалхонада беморларга етарли эътибор берилмаётир. Врачлар ҳамиша ҳам беморларга керакли медицина ёрдамини беришмайди. Йирик мутахассислар томонидан консультациялар уюштирилмайди. Касаллар ҳар куни кўрикдан ўтказилмайди. Натижада тиббий хизматчилар устидан норозиликлар ортиб боряпти.

Кўрик натижалари корхонанинг кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилинди. Бирлашма медицина-санитария бўлимининг бошлиғи А. Усмоновга юқоридаги камчиликлардан тўғри хулоса чиқариб ишда қатъий бурилиш ясаш вазифаси топширилди.

Р. АВЕТИСОВ,

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси халқ контроли комитетининг раиси.

Район комитетида

Тадбирлар белгиланди

«Ташгосснабторг» (директори А. Н. Чеканова) мактабгача ёшдаги болалар саломатлигини сақлаш профилакторийлари, интернат-уйлари ва бошқа ташкилотларни озиқ-овқат, сабзавот ва мева маҳсулотлари билан таъминлайди. Бу савдо ташкилотининг йиллик маҳсулот сотиш ҳажми 56 миллион сўмликни ташкил этади. План-топшириқлар мунтазам бажарилади, молиявий кўрсаткичлар ҳам кишини қаноатлантиради.

Савдо ташкилотининг 20 та катта-кичик базалари бор. Улар шаҳарнинг саккиз районида жойлашган. Шулардан 6 таси Фрунзе райони территориясидадир.

Савдо ташкилоти раҳбарлари ўзларига қарашли муассасаларни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашнинг самарали усулларидан фойдаланмоқдалар. Тошкент шаҳар партия комитетининг 1988 йилнинг мартидаги қарорига биноан «Ташгосснабторг»да юкларни жойларга етказиб беришнинг марказлаштирилган усули жорий этилмоқда. Биргина Фрунзе районида истеъмолчиларнинг 90 процентига мана шу усулда хизмат кўрсатилмоқда.

Лекин шунга қарамай, бу савдо ташкилотида қатор камчиликлар ҳам мавжуд. Бу ўринда энг аввало унинг 14 та савдо маркази эски, ночор хоналарда жойлаштирилганлигини қайд этиб ўтмоқ керак. Бу базаларга ҳали механизация кириб келмаган. Юклаш-тушириш ишлари асосан қўл кучи билан бажарилади. Реконструкция учун ажратилган техникалардан ҳам фойдаланилмайди.

Текширувда 6 база (мудири Ф. Е. Златовская) ҳисобот маълумотларида чекинишлар борлиги аниқланди. Мол гўшти ҳисоби бўйича 3 килограмм, «Чедер» пишлоғи 4,4 килограмм миқдорида етишмади. Колбаса ҳисоботида эса 4 килограмм ортиқчалик борлиги аниқланди. Шунингдек, сентябрь ва октябрь ойлари буюртмалари бўйича ҳам ҳисоботдан чекинишлар аниқланди. Масалан, 68-болалар боғчасига сентябрь ойи буюртмасига кўра 350 килограмм гўшт жўнатиш ўрнига 220 килограмм гўшт берилган. 98-болалар боғчаси учун 600 ўрнига 374 килограмм гўшт жўнатилган. Бундай камомадларни бошқа муассасалар ҳисобида ҳам кўришимиз мумкин. Бунинг устига буюртмалар оддий қоғоз бўлакларига ёзилади. Уларда на бир жавобгар шахс имзоси ва на муҳр бор.

Савдо ташкилотида ҳисоб-китоб ва ҳисобот ишлари ҳозирги кун талабига жавоб бермайди. «Ташгосснабторг» директори А. Н. Чеканова томонидан оддий-техника базаси назорат қилинмайди. Бу хусусдаги масалалар ўз вақтида ҳал этилмайди. Қўл кучини камайтириш, ишлаб чиқаришда механизация системасини жорий этиш назорат остига олинмаган.

Савдо ташкилоти халқ контроли группаси (раиси И. М. Шайхутдинов) фонд масаласи, меҳнатни механизациялаш ва автоматлаштириш муаммолари билан етарли шуғулланмайди. Назоратнинг сусайтириб юборилиши натижасида бу ерда юқоридаги нуқсонларга йўл қўйилган.

Фрунзе район халқ контроли комитети «Ташгосснабторг» маъмурияти диққатини қайд этилган камчиликларга қаратди ва уларни тезда бартараф этиш чора-тадбирларини белгилаб берди.

З. САИГУЛЛИН,

Тошкент шаҳар халқ контроли комитети ташкилий бўлимининг мудири.

Рассом табассуми

— Ёмғирда нега дўппини чўнтагингизга солясиз. Бошингиз шамоллаб қолади-ку.

— Маҳсулот сифатсиз бўлгандан кейин ҳамённи ўйлаб қоларкансизда биродар.

— Вой тавба, одамлар ҳожатини чиқарсанг ҳам бир бало. Мен чайқовчи эмишман.

— Хўжайин ҳар гапнинг бирида: «Бўрининг еса ҳам, емаса ҳам оғзи қон», дейдилар. Шундай бўлгандан кейин рўзғорни ҳам ўйлаш керакда.

Ё. Одилов, А. Ҳакимов ва М. Унаров чизган расмлар.

ЖАҲОН ШАҲАРЛАРИДА

✦ БУДАПЕШТ. Венгрия пойтахтидаги бир қанча кинотеатрларга кирувчилар яқинда қизиқарли кинофильм кўриш ва айни вақтда сеанс бошланиши олдидан ўзларига зарур бўлган нарсаларни сотиб олиш имкониятига эга бўлдилар. Эндиликда томошабинларни фақат кўзга ташланиб турадиган афишаларгина эмас, кинотеатрлар фойеларида очилган мўъжаз кооператив магазинларнинг чиройли витриналари ҳам жалб этмоқда. Бу магазинлардан совға-салом, халқ ҳунармандчилиги, кўн-галантерея буюмларини, заргарлик безакларини сотиб олиш мумкин.

Кооператив магазинларга кинотеатр фойеларидан конкурс асосида жой берилади. Ажратилган хона учун кимки кўпроқ ижара ҳақи тўлаш мажбуриятини олса, ўшанга афзаллик берилади. Конкурсда ўз маҳсулоти харидоргир бўлишини ҳис қилган ҳар бир киши қатнашиши мумкин. Ҳозирнинг ўзидаёқ Будапештдаги «Мювес», «Горизонт», «Зрини» кинотеатрларига келаётган кишилар анча кўпайди. Бу ерда эрталабдан кечгача кинолентаалар намойиш қилиш билан бирга чиройли ва модали буюмлар савдоси ҳам қизғин бормоқда.

✦ ХАНОЙ. Вьетнамликлар истеъмол қиладиган ичимликлар ичида чой шубҳасиз биринчи ўринни эгаллайди.

Республикада чой маҳсулотлари етиштиришнинг ҳозирги эришилган даражаси ВСР ички эҳтиёжларини қоплашгагина эмас, айни вақтда уни чет элларга етказиб бериш имкониятини ҳам яратмоқда.

Вьетнам чойини асосан Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар оладилар. Хусусан шу мамлакатлар ВСР-га тармоқни ривожлантиришга кўп ёрдам бермоқдалар. Чунончи, СССР ва Польша билан ҳамкорлик программасини амалга ошириш чоғида Вьетнамда фақат кейинги икки йил ичида юз гектарлаб янги чой плантацияларига асос солинди. Ўтган йили давлат секторида 11 минг тонна хушбўй маҳсулот етиштирилди. Унинг 9,5 минг тоннаси чет элларга етказиб берилди. 1988 йилда тармоқ умумий ишлаб чиқариш ҳажмида давлат корхоналарининг ҳиссаси 35 процентни ташкил этди. Чойнинг анча қисми эса кооператив ва вилоят хўжаликларида етиштирилмоқда. Уларнинг кўпчилиги нисбатан яқинда ташкил этилган бўлиб, қисқа муддат ичида ишлаб чиқариш рентабеллигини ва етиштирилаётган маҳсулотнинг юксак сифатини таъминлай олдилар.

Чой етиштирувчилар кўп жиҳатдан меҳнатга қараб ҳақ тўлашни кенг жорий этиш, тармоқ корхоналарини тўла хўжалик ҳисобига ўтказиш натижасида муваффақиятга эришдилар.

✦ ПЕКИН. «Гуанмин Жибао» газетаси шу йилнинг март ойида рус тили таржимонлари тайёрлайдиган марказ иш бошлашини хабар қилди. Хитой таржимонлари жамияти шу ҳақда қарор қабул қилди. Марказ Пекиндаги иккита чет эллар институти базасида тузилади. Унда таниқли хитой таржимонлари, Пекин олий ўқув юртларининг муаллимлари дарс беришади. Марказни тузишдан мақсад — оғзаки таржима мутахассислари малакасини оширишдан иборат. Совет Иттифоқи билан Хитой ўртасида иқтисодий, савдо-сотиқ, илмий-техникавий алоқалар тобора кенгайиб бораётган шароитда бундай мутахассисларнинг меҳнати тобора зарур бўлиб бормоқда.

(ТАСС).

Будапештда ва Венгриянинг бошқа шаҳарларида болаларнинг кийилган, аммо сифатли кийим-кечаклари, пойафзаллари савдоси кенг ёйилган.

СУРАТДА: Будапештдаги кийилган товарлар билан савдо қилувчи корхоналардан бирида.

МТИ — ТАСС фотоси.

САРИМСОҚПИЁЗ МАДҲИЯСИ

Ҳар йили кузда Испанияда саримсоқпиёзга бағишланган одатдан ташқари фестиваль ўтказилади. Энг катта ва энг чиройли бош саримсоқпиёз етиштирган фермерларга совринлар берилади. Саримсоқпиёз мадҳ этилган ҳазил қўшиқ бўлса ҳам майли, энг яхши қўшиқ айтган, «Саримсоқпиёз» мавзуидаги шеър, масал, ҳажвия ўқиган кишилар мукофотланади. Испаниялик пазандалар саримсоқпиёз деярлик барча таомларни тайёрлашда қўлланилади, пасха байрамида ёпиладиган ширин нон ва музқаймоқ бундан мустасно холос, деб ҳисоблайдилар. Американлик селекционерлар яқинда етиштирган ва ўткир ҳиди бўлмаган саримсоқпиёзнинг янги нави пазандалар учун янада кенг имкониятлар яратади.

КАЛЕЙДОСКОП

МУҚАДДИМАЛАР ТАРИХИДАН

Буни қарангки, Гиннеснинг машҳур Рекордлар китобида турли нашрларга илова қилинган муқаддималарни тўплаш билан шуғулланувчи коллекционерларга ҳам алоҳида ўрин ажратилган экан. Энг узун муқаддима Вайслингернинг 1726 йилда чоп этилган «Қайсар фактлар» китобига илова қилинган экан. Китоб 618 саҳифадан иборат бўлиб, унинг 470 саҳифасини муқаддима эгаллаган экан. Француз юристи Шарль Деуленнинг муқаддимаси энг қисқа сўзбоши ҳисобланади. У ўзининг барча китобларини муқаддима ўрнига биргина «Мен ҳеч кимдан қолишмайдиган, бошқалардан ўрганишга муҳтож бўлмаган кишиман» деган жумла билан бошлар экан.

Тарихнинг ўчмас саҳифалари

ЯШАШГА ҲАҚЛИ ЭДИК...

(Публицистика)



Замондошим!

Биз кимлардан миннатдор бўлишимиз керак! Сенинг айтадиган жавобинг тайёр: ота-оналаримиздан! Чунки улар бизни ёруғ дунёга келтирди. Вояга етказди. Оқ-қорани танитди. Улар бўлмаганда бу кунлар қаёқда эди!

Тўғри айтасан! Лекин бу масаланинг бир томони, холос. Иккинчи томони қанақа, деб сўрарсан балки. Бу энди анчайин узун қисса. Лекин, кел, бугун шу қиссани варақлаймиз. Бугун айни пайти.

Замондошим, юр, она-шаҳримиз Тошкент кўчаларини сайр қилайлик. Бугун хотиралар ўз оғушига олсин бизларни.

Она шаҳримизда кўчалар жуда кўп. Уларнинг бири қисқа, бири нақ уфққа туташгудек узун, бирининг боши берк, бири тор, бири эса кенг. Уларнинг сон-саноғи йўқ. Уч мингга яқинлашиб қолган бўлса ҳам ажаб эмас. Ҳар бирининг ўз ўтмиши, ўз тарихи бор.

Кафанов кўчаси билан кесишган Полторацкий кўчасига дуч келамиз. Унинг номи дастлаб Мариинск эди. 1918 йилдан бошлаб эса Туркистон Совет республикасининг биринчи меҳнат халқ комиссари бўлган, оқ гвардиячилар томонидан отиб ташланган П. Полторацкий номи билан атала бошланган.

Мана, ниҳоят Шумилов, Финкельштейн, Манжара, Мальков, Качуринер, кейин Вотинцев номли кўчалар. Улар тарихга гувоҳ бўлганлар.

Бу кўчалар шаҳримиз дарвозаси — вокзал майдонига олиб келади. Худди шу ерда бизни афсонавий ўн тўрт Туркистон комиссарлари қаршилайди.

Ўн тўрт юрак. Ўн тўрт баҳодир. Ўн тўрт қуёш. Ўн тўрт хил орзу-армон. Ўн тўрт олам. Бир хил тақдир—инқилоб фидойилари, янги тузум қурбонлари. Битта вужуд. Уларни ҳатто ёдгорликда ҳам ажратишмаган.

Улар тўсатдан жонланадию бир вужудга айланишади. Бир одам қадди-бастига келишади. Кўзларида афсус учқунлари, юрагида олов, қўллари мушт, аста сўйлайдилар.

Кел, замондошим, биз уларга қулоқ тутайлик. Ота-боболаримиз кўрсатган жасоратларни яна бир бор ёд этайлик.

1918 йилдан КПСС аъзоси, Туркистон республикаси Советларининг II съезди делегати К. Е. Моргунов эсдаликларидан.

1918 йилнинг кузида Чернявск Советлар съезди (Чимкент уезди) мени Туркистон Советларининг VI съездига делегат қилиб сайлади... Ҳар лаҳзада ташвишли сигналлар келиб турган ўша йилларда биз Туркистон Марказий Ижроия Комитети аъзоларининг ётоқхонаси жойлашган «Старая Россия» меҳмонхонасида, унутилмас ўша 19 январга ўтар кечаси мен, А. В. Червяков ва Дорожкин навбатчиликда тургандик.

Ярим кечаси бизни телефонга чақиришди. Ҳамюртим Ерофей Шекин экан.

— Ҳозир 2-полк казармаларидаман. Қуролланган группалар жўнаб кетишяпти. Қаёққалигини билмайман.

— Осиповни кўрдингми? — сўрадим мен.

— Йўқ, — деди Шекин.

Иккинчи марта телефон қилганида у бор-йўғи «контрреволюция» дея олди, холос.

1918 йиллар эди.

Туркистон ўт ичида. Буни тарихдан ҳам яхши биласизлар. Ҳамма инқилобий кучлар оёққа қалққан. Ҳамма инқилоб ҳимоясида! Тревога!

Худди шундай кунда Тошкент шаҳар Советининг телефони жиринглади.

— Першин эшитади!

— Менга Вотинцев керак! — деди трубкадан ташвишли овоз.

Першин трубкани Вотинцевга узатди.

— Мен эшитяпман.

— Вотинцев, дарҳол ёрдамга келинглар. Солдатлар ғалаёнидан хабаринг борми? Келмасанглар аҳвол чатоқ. Солдатлар сизларга қулоқ солишар ахир.

— Хўп. Етиб борамиз, — деди Вотинцев ва трубкани қўйди.

Сотқин Осипов бизнинг ҳалоллигимиздан, тўғрисўзлигимиздан фойдаланмоқчи бўлди. Шу куни Вотинцев, Шумилов, Першин, Финкельштейн, Мальков, Качуринер ва Троицкийлар йўлга чиқдик.

Сотқин муддаосига етганди. Бу бундан етмиш йил муқаддам, 1919 йил 18 январь куни бўлганди.

Замондошим!

Бир нафас жим қолайлик.

Сотқинлар кимлар эди ўзи! Улар нима учун шу ишни қилишган! Комиссарларни йўқ қилиш билан инқилоб барбод бўлармиди!

Йўқ, асло! Бу иш қуёшга тош отиш билан баробар эди. Қуёш юзидаги булутларни нур тиғлари парчалаб ташлайверади. Инқилоб қуёш бўлса, комиссарлар шу қуёшнинг олов найзалари! Бу найзалар қабоҳат қуллари—оқ гвардиячиларга, Константин Осипов сингари сотқинларга омон бермайди.

Осипов шуларни билмас эдими! Ақли нотавон, кўзлари ногиронмиди! Кўрарди, биларди. Уни бу қабиҳ ишга бошлаган ўз сафдошларининг—ахир у комиссарларга сафдош эди-да — бошини кундага элтишга мажбур этган куч — бу жаҳонда порлаб туғилган офтоб — инқилобни кўролмаслик бўлди!

Кел энди комиссарларга қулоқ тутайлик.

Шу куни бизлар қўлга олиндик. Иккинчи полк гаупвахтасида ётдик. Музхонанинг нақ ўзи. Бошқалар ҳам шу ерда эди. Биз улардан нима кутардик? Ҳеч нима. Лекин биз кутаётган он келиши муқаррар. Бу — ўлим соати.

Ниҳоят ўша соат келди. Биз ҳолдан тойган, лекин руҳияти тетик, бардам ўн тўрт жафодийда бу соатни мардона кутиб олдик. Мардларча ўлим топдик. Ҳа, мардларча! Лекин бизни йўқ қилган номардлар жавоб беришга, тарих ҳукми олдида ожиз қолишларига ишончимиз мутлақо комил эди.

Биз, қуролланган кишиларнинг ҳаммаси ўз постларимизга турдик. Мен иккинчи йўлакда навбатчи эдим. Шу пайт «Олға, ўртоқлар мардона» қўшиғини ўзича хиргойи қилиб А. Червяков катта эшикдан чиқиб қолди. Унга аҳволни тушунтириб бердим.

— Мен Тошкент шаҳар мудофаа бўлими бошлиғининг олдига кетдим, — деди у.

Червяков чиқиб кетиши билан отлиқ солдатлар кириб келишди. Улар эшикни очишимизни талаб қилишди. Шу аснода Червяков қайтиб келиб қолди. Отлиқлар уни ўраб олишди.

— Кимсан? — сўрашди ундан.

— Мен фавқулодда дала судининг раисиман, — деди у.

— Худди сен керак эдинг! — деди бир бандит ва Червяковни отиб ташлади.

Шундагина бу исёнга хоин Осипов бошчилик қилаётганини тушундик. Сал фурсат ўтмай большевиклар ҳукуматининг раҳбарлари ваҳшиёна қатл этилганлигини эшитдик. Кўп ўтмай йўллар халқ комиссари Е. П. Дубицкий келди. У «сўл эсер»лар лидери Успенский билан воқеа содир бўлган жойга жўнаб кетди. Исёнчилар уни йўлда тутиб олиб, отиб ташлашибди.

1919 йил 21 январга ўтар кечаси Осипов ўз бандаси билан давлат банкини талаб, қочиб кетди.

Эшитдингларми, қочиб кетди! Хоинларнинг чекига тушган қочиб кетиш. Биз эса қолдик. Тошкент тупроғида абадий қолдик. Чунки уни ташлаб кетолмасдик.

Биз ҳалок бўлган чоғимизда ҳам бизга ишонганларни — Шўролар ҳокимиятига умид кўзини тиккан, бағрига эндигина офтоб теккан жафокаш халқни ўйладик. Ўйладигу ич-ичимиздан оғир хўрсиниқ келди: уларнинг ишончини оқлолмадик, бевақт ҳалок бўлдик.

Биз нима учун ҳалок бўлдик! Ёруғ истиқбол, коммунистик идеаллар учун, халқ учун! Буни ҳамма билади. Буни биз ҳам биламиз.

Оҳ, бизнинг орзуларимиз! Қанчалар нурли, қанчалар ёруғ, қанчалар сўнгсиз эди! Биз Туркистонни обод, фаровон кўришни орзу қилардик. Одамларнинг юзидан кулгу аримаслигини, уларни бахтиёр кўришни орзу қилардик. Ҳамма халқлар қўлни қўлга бериб, дўст-биродар, иноқ бўлиб яшашларини орзу қилардик.

Орзуимизга етолмадик.

Орзуимиз мевасини кўролмадик.

Замондошим!

Ўн тўрт Туркистон комиссарлари орзу қилган замон бизнинг кунлар эмасми! Улар пойига гулдасталар қўяётган турли миллат вакиллари «Сиз орзу қилган кунлар бизларга насиб этди бугун» дейиши тайин.

Лекин бу кунларга етишнинг ўзи бўлгани йўқ. Йўллар узун бўлди, ғоят узун бўлди. Оғир бўлди. Лекин етиб келишга ишончимиз комил эди.

Фитна қурбонлари бўлган ўн тўрт баҳодирнинг қонлари ойдин қилган бизнинг йўлларни. Ҳа, худди шунинг учун ҳам уларни биз мангу барҳаёт деймиз.

Туркистон республикаси ҳарбий революцион Совети алоҳида бўлимининг катта терговчиси Николай Константинович Юденич эсдаликларидан.

1919 — 1922 йилларда 1919 йил 19 январь кечаси бўлиб ўтган аксилинқилобий исён қатнашчиларини тергов қилишим, воқеани ўрганишимга тўғри келди...

Мен аксилинқилобий исённи Тошкентдан 70 чақирим нарида жайлашган Қаровчи қишлоғида эшитдим. 1919 йил 20 январда Тошкентга отлиқ қайтиб келдим.

Исённинг бош фитначилари (Цветков, Агапов ва бошқаларни) Туркистон республикасининг Олий трибунали суд қилди.

Алоҳида бўлим ва ТуркЧКда ишлаган давримда мен юзга яқин ишни кўриб чиқдим. Булардан ҳам кўпроқ фитна қатнашчиларини сўроқ қилишга тўғри келди. Охир-оқибатда аниқланишича, авантюрист Осиповнинг орқасида уч актив группа турганлиги аниқланди.

Совет ҳокимиятига душман бўлган офицерлар группаси (генерал Кондратович, генерал Жунковский, Ботт, Михайловский ва бошқалар) инглизлар, американиклар, Сибирдаги Колчак ва Россия жанубидаги Деникин билан доимий алоқада бўлганлар.

Мен барча ишни эслаб ўтирмайман. Фақат бир-иккитасига тўхталаман, холос. Осиповнинг адьютанти Ботт сўроқ пайтида (шериклари билан Бухорога қочган эдилар, соқчи билан Тошкентга келтирилди) ўзини фитнага алоқадор эмасдек қилиб кўрсатишга уринди. Гўё у тасодифан бу ишга аралашиб қолган. Бошқа тергов ҳужжатларида у Шумилов, Фигельский, Вотинцев ва бошқа комиссарларни отишда қатнашганлиги қайд этилганди. Ботт буни рад этиб қаттиқ туриб олди, ишни чалкаштиришга уринди.

А. Шарафутдинов билан юзлаштирилганда (у халқ комиссарлари қандай отилганлигига гувоҳ бўлган) Ботт бутун айбига иқрор бўлди. Бунинг устига Инқилоб хиёбонида жойлашган Давлат банкини Осипов қандай талаганини ҳам айтиб берди.

Исёнчиларда янги «Туркистон демократик республикасининг ҳукумати» аъзоларининг рўйхати ҳам бўлган экан. Рўйхатда Осипов қўшинлар қўмондони сифатида қайд этилган экан...

...ТуркЧК коллегиясининг ҳукми кечаси ижро этилди. Ботт, Михайловский ва бошқа офицерлар отилди.

Замондошим!

«Қасос муқаррардир» дейди халқимиз. Қасос олинди, фитначилар олий жазога ҳукм этилди.

Лекин, ўн тўрт комиссарнинг гуноҳи нима эди! Халқ яхши яшасин, озодликка чиқсин дея курашганими! Ёки Ленин ишига чексиз садоқатими! Ахир, садоқат учун қатл этмайдилар, тақдирлайдиларку!

Ўн тўрт баҳодир ўз жасоратига лойиқ тақдир, эъзоз топди. Улуғ Ватанимизнинг шонли тарихи саҳифаларида ўз номларини юрак қонлари билан ёзиб қолдирдилар.

Кел, яна уларнинг нидосига бир лаҳза қулоқ тутайлик.

Бизлар навқирон эдик.

Кишилар яшайди, очиғини айтганда, етмиш, саксонга киради. Биз ҳам шу ёшларга кириш ниятимиз бор эди. Навқиронлигимизча қолдик. Орзу қилган ёшимизга авлодларимиз киради. Бизлар навқиронлигимизча қолдик.

Навқирон қолмоқлик қандай яхши деб ўйларсиз. Ҳа, у жуда яхши, ҳатто шарафли, қачонки ўзингиз учун эмас, Ватан, халқ учун яшаб, жон фидо қилсангиз.

Биз яшашга ҳақли эдик. Худди сиз каби ҳақли эдик. Аммо навқиронлигимизча қолдик.

Пойимизга гул қўяётган жажжи қизча бизнинг неварамиз бўлиши, ўша гулни қўлимизга тутиши мумкин эди.

Рафиқаларимиз билан Тошкентнинг гўзал хиёбонларида сайр қилиб юришимиз, ўтган унутилмас кунларни хотирлашимиз мумкин эди. Аммо навқиронлигимизча қолдик.

Ҳар гал гўзал Тошкент жамолига қараганингизда, гуллар чиройига мафтун бўлганингизда, кундан-кунга гўзаллашиб бораётган ҳаётдан ўз насибангизни олаётганингизда бир ўй хаёлимиздан кечади: сизлар яшанглар! Озод, ҳур яшанглар! Яшашга ҳаққингиз бор!

Сизнинг яшаганингиз — бизнинг яшаганимиз, қонимиз беҳуда тўкилмаганидан, жонимиз бекорга қурбон бўлмаганидан далолат.

Бизнинг ҳам яшашга ҳаққимиз бор эди. Энг каттамиз Шумилов 44 ёшда эди. Вотинцевни, Шпильковни айтмайсизми? Увол кетишди-я. Вотинцев 27 да, Шпильков бор-йўғи 21 ёшда эди. Қолганлар ҳам 25—30 атрофида эдик. Троицкий бўлса қачон туғилганини айтиб улгурмовди ҳам.

Яшашга ҳақли эдик! Аммо 1919 йил 19 январь куни мангу навқиронлик сари қадам қўйдик.

Дунё ҳам навқиронлигича қолди.

Шу навқирон дунёда бор бўлинг, авлодлар!

Замондошим!

Тўғри айтдинг, биз дастлаб ота-оналаримиздан миннатдор бўлишимиз керак.

Лекин ота-оналаримиз билан бир қаторда фидойиларнинг руҳи поки олдида ҳам таъзим бажо этмоғимиз шарт.

Фавқулодда комиссарлар, йигирма олти Боку комиссарлари, ўн тўрт Туркистон комиссарлари. Улар жонажон Ватанимизнинг тарихини қон ва шон билан, жон ва нон билан ёзганлар!

Ҳар бир бурда нонда, ҳар бир сониямизда, ҳар бир кулгумизда уларнинг улуши бор, ҳақлари бор.

Замондошим!

Шундай яшамоғимиз керакки, улар тўкилган қатра қонлари учун биздан ризо бўлсинлар. Уларнинг номига асло доғ туширмайлик. Токи миннатдор авлодлар хотирасида абадий нурдек покиза бўлиб қолсинлар. Улар ҳар қандай эъзозга, ҳар қандай эҳтиромга, улуғлашга лойиқ!

Улар бўлмаса бизга бу кунлар қаёқда эди!

Темур УБАЙДУЛЛО.

Жонажон Ватан бўйлаб

ҚУДРАТЛИ ЭЛЕКТР ПЕЧЛАР

⊙ НОВОСИБИРСК. «Сибэлектротерм» бирлашмаси қора металлургия саноатини қайта жиҳозлашга муҳим ҳисса қўшди. Бу ерда пўлат эритадиган қудратли электр печларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Янги агрегат йилига юқори сифатли ярим миллион тонна пўлат эритишга мўлжалланган. Микропроцессор пўлат эритилишини бошқариб ва контрол қилиб туради. Бирлашма цехларида синовдан ўтган биринчи печь Кузнецк металлургия комбинати учун мўлжалланган.

ҚАЙТА ТИКЛАНГАН САНЪАТ

УКРАИНА ССР. Львовлик ака-ука ҳайкалтарошлар — Юрий ва Мирон Амбицкийлар ўз асарларида Карпатдаги украин тоғликларининг кичик этнографик группаси — лемклар тақдирини акс эттирдилар. Улар биринчи марта ўз шахсий виставкаларини Украина ССР Фанлар академиясининг М. Рильский номидаги санъатшунослик, фольклор ва этнография институти бўлимининг музейида намойиш этдилар.

Туғма истеъдод эгалари ўзига хос лемк ўймакорлигини ҳайкалтарошликнинг классик мактаби билан узвий равишда бирлаштирдилар, ўз оригинал принципларини металлда, ёғочда ва ғанчда ривожлантиришда давом этдилар.

Санъаткорларнинг асарлари деҳқонлар ва чўпонлар тарихининг қаҳрамонона саҳифаларига, меҳнатига бағишланган. Уларнинг орасида лемкларнинг машҳур юртдошлари—олимлар, артистлар, рассомларнинг портретлари ҳам бор.

СУРАТДА: ака-ука ҳайкалтарошлар Мирон ва Юрий Амбицкийлар.

Б. Криштул фотоси,
ТАСС фотохроникаси.

МАСЛАҲАТ ВА КОНСУЛЬТАЦИЯ БЕРАДИ

⊙ ДУШАНБЕ. Душанбе шаҳар партия комитети ҳузурида очилган «Демократия ва сайлов» сиёсий мунозара клуби ҳозирги сайлов кампаниясида қуйи партия ташкилотларининг ўрни тўғрисида малакали маслаҳат ва консультация беради. СССР Олий Советининг депутатлари, юристлар, жамиятшунос олимлар, республика «Билим» жамиятининг лекторлари клубга аъзодирлар. Бу ерда сайлов кампаниясининг ҳуқуқий жиҳатларини, округ сайлов комиссиялари статусини, СССР халқ депутатлигига номзодлар кўрсатиш соҳасида меҳнат коллективлари ва жамоат ташкилотларининг ваколатларини тушунтириб берадиган кўпдан-кўп методик адабиётлар билан танишиш мумкин.

ТИНИБ-ТИНЧИМАС ҚАРИЯ

АБХАЗИЯ. Серапион Константинович Чкадуа тўқсон беш ёшга кирган бўлса ҳам барча «Жигули» ва «Волга»лардан яхшигина тулпорни, унинг ўзи ҳазиллашиб айтганидек «бир от кучи»ни маъқул кўради. Унинг сайр ёки амалий сафардан сўнг келишган тулпорда ўз ҳовлисига кириб келаётганини кўриб, ёши ўтиб қолган қариянинг тетиклигига, серҳаракатлигига беихтиёр ҳавасингиз келиб кетади.



Очамчир районидаги Кутол қишлоғида колхоз оқсоқолини танимайдиган киши бўлмаса керак. 1930-йилларда у ҳамқишлоқлари билан бирга дастлабки чой кўчатларини ўтказган эди, кўп йиллар қишлоқ советининг раиси, колхоз раиси бўлиб ишлади. Шу билан бирга у ҳамиша от спортининг тарғиботчиси, Абхазия чавандозлари барча мусобақаларининг доимий қатнашчиси эди. Унга биринчилар қаторида спортнинг миллий турлари бўйича мастер унвони берилганди. Бир вақтлар ана шундай фахрли унвон бўлган.

Партия, уруш ва меҳнат ветерани, Кутол қишлоғининг оқсоқоли ҳозир ҳам тинибтинчимайди. У Очамчир райони оқсоқоллар кенгаши комиссиясида ишлайди, район маданият уйи ҳузуридаги «Абжуаа» этнография ансамблида иштирок этади.

Б. Соколов фотоси,
ТАСС фотохроникаси.

Инсон одоби азиз

БУНИ УМР САВДОСИ ДЕЙДИЛАР

Донолар «Ватан — оила остонасидан бошланади», дейдилар. Оилани эса ота-она, ака-ука, опа-сингил, келин-куёв, ҳаётнинг келажаги бўлган мурғак гўдаклар ташкил этадилар. Тинчлик-хотиржамлик, аҳил-тотувлик, бахт-саодат, меҳнатсеварлик ва меҳр-муҳаббат оиланинг жони, турмушнинг лаззати ҳисобланади. Инсоний ана шу фазилатлар қарор топган оилада доимо рўшнолик, шод-ҳуррамлик, ширинлик бўлади. Оилалар яшнаса бутун Ватан гуллаб-яшнайди. Редакциямиз ана шуларни назарда тутиб оилавий муносабатлар ҳақида бир туркум мақолалар беришни режалаштирди. «Буни умр савдоси дейдилар» сарлавҳаси остида Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг доценти Ойшахон Тўраеванинг ота-она, келин-куёв, уларнинг ўзаро муносабатлари, турмуш қурган ёшларнинг бир-бирларини тушунмай ажралиш сабаблари ҳақидаги мақолаларини ёритамиз.

Азиз оқшомхонларга мурожаат қилиб айтамизки, ҳар биримиз «Буни умр савдоси дейдилар» деган баҳсимизда актив қатнашайлик. Оила, турмуш, ота-она, ака-ука, опа-сингил, келин-куёв, ёшлар тарбияси, уларнинг ҳар бирининг ўз олами, нияти, фазилатлари ҳақидаги ўй-фикрларингизни редакциямизга ёзиб юборинг.

1. ОИЛАНИНГ ЯНГИ КЕЛИН-КУЁВИ

Оила—инсонлар ижтимоий ҳаётининг муҳим пойдеворидир. Жамият мазмунан ўзгариши, янгича шакл касб этиши мумкин, лекин ҳар қандай шароитда ҳам ўз ҳаётийлигини сақлаб қолган оила мавжуд. Бунинг боиси шундаки, биринчидан, оила янги авлодлар етиштирувчи ва тарбияловчи ўчоқдир. Иккинчидан, оилада инсон шахс сифатидаги ўзлигини ярата олган, шунинг учун ҳам оилага ижтимоий дорилфунун деб қаралса, унинг аъзолари ижтимоий гуруҳ бўлиб келган. Агар илгарилари оиланинг мавжудлиги кўп жиҳатдан унинг иқтисодий-хўжалик асосларига боғлиқ бўлган бўлса, ҳозир ижтимоий группаларнинг ўзаро шахсий-психологик муносабатларига боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Мисол олайлик. Йигит ва қиз танишиб, учрашиб турдилар. Ниҳоят, улар ўз муносабатларини қонуний расмийлаштирмоқчи бўлдилар. Никоҳ қайд этилиб тўй бўлди. Хўш, бу янги оила ташкил топди деганими? Қонуний жиҳатдан «ҳа» деймиз, лекин аслидачи? Оила энг аввало бир бутунликни тақозо этади. Бошқача айтганда келин ва куёв дуторнинг алоҳида-алоҳида торлари бўлиб қолмай, бир хил товуш берадиган созда туриши лозим. Бунинг учун йигит ва қиз орасидаги муҳаббат улар куёв ва келин бўлганидан сўнг яна ҳам мустаҳкамланиши, уйғунлашиб кетиши керак. Ана шундагина янги турмуш қурган келин-куёвларнинг ўзаро муносабатлари самимият, тенглик ва адолат асосига қурилади. Француз ёзувчиси Анатоль Франц: «Севги оловга ўхшаган нарса, қалаб турмасанг ўчиб қолади», деб бежиз айтмаган.

Айрим ҳолда, тўйдан кейин келин-куёв ўртасидаги меҳру муҳаббат сусайгандай бўлиб қолади. Бу, бир томондан, турмуш икир-чикирларидан айрим қийинчиликларнинг келиб чиқишидан бўлса, шунингдек ёш келиннинг рўзғор тута билмаслиги, уй ишларига нўноқлиги, ўзига қараб юрмаслиги маънавий жиҳатдан ўзини бойитиб бормаслигидан ҳам келиб чиқади. Маълумки, бирон қиз учрашувга ясанмасдан, ўзига оро бермасдан бормайди, албатта. Лекин айрим келинчаклар сочини тарамасдан, уст-бошини дазмол қилмасдан, ташқи кўринишига қарамасдан қўяди. Бу «майда-чуйда»лар эмас, балки аҳамиятга молик нарсаларки, уларнинг ҳаммаси йиғилиб муҳаббат иморатини дарз кетказиши мумкин. Зеро, оилани сақлаш ва уни мустаҳкамлаш эр-хотиннинг вазифаси, бурчи ҳисобланади. Оиланинг бузилишига кўпинча «характерларнинг бир-бирига тўғри келмаслиги» баҳона қилиб кўрсатилади. Баъзан ҳаётда бунинг аксини кўрамиз. Шундай бўладики, куёв-қаллиқлар характери бир-бирига жуда тўғри келади. Лекин оила бузилиб кетади. Негаки, икки ёш оилавий ҳаётдан фақат ҳузур-ҳаловат ва роҳат-фароғатни қидирадилар, турмушдаги қийинчиликларни, ҳатто кундалик ташвишларини ҳам кўтара олмайдилар. Буларнинг ҳаммаси уларга берилган оиладаги тарбиянинг ёмон оқибатидир. Очиқ гап, бунга болаларимиз доимо ҳузур-ҳаловатда, қийинчиликларни кўрмай яшасинлар, дейдиган ота-оналар айбдор. Турмуш жуда мураккаб нарса. Халқимиз ҳам: «Турмуш савдоси — оғир савдо» деб бежиз айтмаган.

«Бахтли оилаларнинг ҳаммаси бир-бирига ўхшайди, — деб ёзган эди Лев Толстой. — — Бахтсиз оилаларнинг эса ҳар бири ўзича бахтсиздир». Ажралиш сабаблари хилма-хилдир. Лекин бу ҳолларнинг ҳаммасида эркак ҳам, аёл ҳам инсоф юзасидан иш тутмоғи лозим.

Йигит ва қиз қўшилишар экан, олдинда юксак масъулият турганлигини, мабодо ажралишар экан бир-бирига нисбатан одамгарчиликни йўқотмаслиги ва болалар учун янада кўпроқ масъулият сезишлари лозим. Ҳаётни булутсиз мовий осмон деб тушуниш жиддий хато. Бахтга ҳеч ким меҳнатсиз, ғам-ташвишсиз, курашсиз эришиши мумкин эмас. Шунинг учун оила бахтини авайлаб-асраш, ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаб бориш шарт.

Маълумки, оилада рўзғор ташвиши кўпроқ аёл зиммасига тушади. Уйни саранжом-саришта тутиши, дид билан безатиши, турмуш ўртоғига ҳурмат-илтифот билан қараши, ғам-ташвиш ва шодлигига шерик бўлиши, кўнглини овлаши ва доимо ўзига ром қилиб турмоғи лозим.

Эр ҳам хотиннинг ҳурматини жойига қўйиши, уни камситмаслиги ва иззат-нафсига тегмаслиги керак. Ўз хотини билан яхши муомалада бўлмаган эрнинг онасида тотувлик бўлиши қийин. Эр-хотин одатда бир-бирига дўст, ҳасратдош, маслакдош бўлади. Зеро, ҳаётий муаммоларга дуч келинганда ҳам, бахт-қувонч сururидан баҳраманд бўлиш онларида ҳам эр-хотиндек бир-бирига яқин кишилар бўлмайди.

Келин ва куёв муносабатида бефарқликнинг пайдо бўлиши ёмон оқибатларга олиб келади. Одатда қизлар турмушга чиқишдан олдин ўзларининг хулқ-атворларига қатъий риоя қилишади, кўп нарсалар билан қизиқишади, севган йигитлари билан учрашганда ўзларининг жамики яхши ва ижобий фазилатларини намойиш қилиш мақсадида ташқи қиёфаларига ҳам эътибор бериб юришади. Тўй ўтгач, бундан кейин ҳам эрга маъқул бўлиб, унинг ҳавасини келтириб юриш лозимлигини унутиб қўйишади.

Ёш келин-куёв ўзаро муносабатларга жуда катта эътибор билан қараса, ўзаро ҳурмат ва ишончни ардоқласа, бир-бирини тушуниш ва кўнглини топиш учун интилса, баъзан севимли кишиси учун ён беришдан орланмаса ўртадаги муҳаббат қуёши порлаб туради, деб ўйлаймиз.

Янги турмуш қурган келин-куёв қўша қариб, оилада бахтли яшашлари учун бизнингча, қуйидагиларга амал қилишлари айни муддао бўлади деб ўйлаймиз.

Келиннинг бурч-вазифалари:

1. Бир-бирининг характерини ўрганиш, тушуниш, кўнглини топишга интилиш, қувонтириш.
2. Янги оила шароитига мослашиш, келинлик-бекалик, аёлликни ўрнига қўя олиш.
3. Қайнана-қайнатани ўз ота-онасидек кўриб ҳурматлаш, уларни маслаҳатгўй деб билиш, кўнглини тушуниш, оғирини енгил қилишга ҳаракат қилиш.
4. Оила сирини ташқарига чиқармаслик, баъзан айрим нарсаларни ичга юта билиш, ўзаро муносабатда бир-бирини ҳурматлаш, оғир-вазмин бўлиш, вафо-садоқатлилик, оила шаънига муносиб ҳатти-ҳаракатда бўлиш.
5. Характердаги ёмон одатлар: ўжарлик, манманлик, катта-керимлик, «Сендан камманми?», «Бўлганим шу» каби ярамас одатларга йўл қўймаслик, айрим нарсаларда бир-бирига ён бериб, муросаю мадорага кела олиш.

⊙ Куёвнинг бурч-вазифалари:

1. Куёв онани бир қўлида тутса, рафиқасини иккинчи қўлида тутиб ҳурматласин, ҳар иккала томонга муносиб муомалада бўлсин. Онаси билан рафиқаси ўртасида меҳр иплари мустаҳкам боғланишига ўз ҳиссасини қўшсин.
2. Аёл табиатини тушунсин, тенглик «қонуни»га амал қилиб, аррани баробар тортишга уринсин. Оилага, рафиқага, фарзандларга содиқ бўлиб яшасин.
3. Қайнана-қайнатага ўғилдек бўлиши, буни амалда исботлаши, уларни сийлаши, зинҳор иззатталаб бўлмаслиги даркор. Акс ҳолда ўртага совуқчилик тушиб, муносабатга дарз кетади.

Албатта ҳар бир оиланинг ўз анъана, ибратли одатлари бор. Шунинг учун келин ва куёв муносабатларидаги психологик ўзига хосликни ҳам ҳисобга олиш керак. Аммо ҳар қандай шароитда ҳам келин-куёв муносабатларининг асоси меҳр-муҳаббат, ирода, меҳнатсеварлик, ахлоқ-одоб омилларига риоя этиш бўлиб қолаверади.

Ойшахон ТЎРАЕВА,
Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти ўқитувчиси, педагогика фанлари кандидати, доцент.

ЭҲ, ҚИЗЛАР, ҚИЗЛАР...

Аслида ушбу сатрларни ёзиш хаёлимда йўқ эди. Бир сабаб бўлиб қўлимга қалам олдим.

Яқинда автобусда иккита студент қизнинг суҳбатини эшитиб қолдим.

— Гули, унинг фарзандлари бор-ку, ахир, сенга уйланмаслигини ҳам биласан. Қўй шу ишингни...

— Биламан, уйланмайди. Лекин, яхши кўрсам нима қилай. Ахир ким билан дир юришим керак-ку. Ҳозир юриб қолмасам, қачон юраман!

— Тўғриси, сен унинг ўзини эмас, пулини яхши кўрасан, «ширин-ширин» сўзларига ўрганиб қолгансан. Ҳеч бўлмаса ота-онангни ўйлагин, уларга раҳминг келмайдими!

— Э, қизиқмисан, ота-онам қаёқда-ю...

Қизларнинг бу суҳбатини эшитиб, ўйланиб қолдим.

Тўғри, ота-онамиз қаёқдаю, биз қаёқда! Қаердан билиб ўтирибди.

Гули (қандай эшитган бўлсам шундай аташни лозим топдим) айтмоқчи, катта шаҳарга қизларини ўқишга юбориб, узоқ қишлоқда инсоф тилаб ўтирган ота-оналаримиз хаёлимизда, ҳар куни хабар ололмайди, керагида тергаб турмайди. Шундан фойдаланиб кўнглимизга келган ишни қилишимиз инсофданми!

Озод қуш... Бу қуш хоҳлаган томонига учади, хоҳлаган жойига қўнади, хоҳлаган донини чўқийди... Мабодо қўнган макони ёқмаса, яна боши оққан томонга парвоз қилади... Вақт келиб бир кун тўрга илинади-ю, шохдан-шохга сакрашнинг мудҳиш оқибатини англайди. Энг ёмони кеч бўлганда англайди. Қанийди шу билан бошқа қушлар эҳтиёт бўлиб қанот қоқса. Эртага иккинчиси, индинга учинчиси тўрга илинади. Бу ҳол канда бўлмай давом этаверади. Ўша Гули ҳам эртанги куйини ўйлаётганмикин! Ахир у оила қуришни, ширин-шакар фарзандлар кўришни ўйлаши керак-ку!

Афсуски, орамизда Гулига ўхшаган дугоналаримиз анчагина. Билишади, кўнгил кўчасининг охирини билишади-ю...

Бир жабрдийда афсус-надомат билан «Билмайин босдим тиканни — тортадурман жабрини» деган экан. Бироқ, ўша тиканни билиб туриб босаётган қизларга нима дейиш керак. Ота-боболаримиз «Сўнгги пушаймон — ўзингга душман» деб бежиз айтишмаган-ку.

Муҳтарама опа-сингиллар, азиз дугонажонлар, келинг, иродасизлик қилмайлик, муҳаббатни бунчалар енгил тушунмайлик. Ҳаётимиз энди бошланяпти, бахтимиз олдинда-ку!

Шоҳида ДАМИНОВА,
ТошДУ студенти.

Баскетбол

Аввалги шуҳрат тикланадими?

Ўтган йили Жанубий Корея пойтахти Сеулда ўтказилган XXIV Олимпиада ўйинлари ҳар қачонгидан қизиқарли баҳсларга бой бўлиб, миллионлаб ишқибозларга қувонч бағишлади. Совет Иттифоқи терма командаси ҳар доимгидек бу катта спорт анжуманида ҳам томошабинларнинг диққат-эътиборида бўлди. Баскетболчиларимиз АҚШ командасидек халқаро ўйинларда тажрибаси ошган, кучли коллектив устидан ғолиб чиқдилар.

Афсуски, терма команда сафида бирорта ўзбекистонлик спортчининг номини учратмайсиз. Унинг состави асосан Болтиқбўйи республикалари ва Марказий армия спорт клуби ўйинчиларидан ташкил топган.

Жамоатчи мухбиримиз Ўзбекистон ССР Давлат физкультура ва спорт комитетининг Олимпиадага тайёргарлик кўриш бошқармасининг бош мутахассиси Н. В. Глазковага бир неча савол билан мурожаат қилди.

— Наталья Васильевна, республикамиз баскетболи тарихига назар солсак, унинг ҳозирги аҳволи 80-йилларнинг бошларига нисбатан бир мунча орқада. Бунинг асосий сабаблари нимада деб биласиз!

— Ўша кезлари олий лигада Тошкентнинг «Университет» командаси ҳам бор эди. Коллектив 1984 йилда яхши ўйин кўрсатиб, кучлилар сафидан жой олганди. Шу даврни республикамиз баскетболининг энг гуллаган пайти деб айта оламиз. Командага асли ригалик бўлган ажойиб тренер Арманд Янович Краулин бошчилик қиларди. Кейинчалик коллектив тарқатиб юборилди. Бунинг асосий сабаблари нимада? ТошДУ томонидан унча эътибор бўлмаганлиги, истеъдодли ўйинчиларнинг доимий равишда Армия хизматига чақириб турилиши сабабли командани армия спорт клубига айлантиришди. Тренер А. Я. Краулин, унинг кетидан 8 нафар спорт мастери бўлган ўйинчилар ҳам бошқа командаларга кетиб қолдилар. Қизиғи шундаки, йигитларнинг ҳаммаси ўзбекистонлик эдилар. Улар ҳозир Москванинг «Динамо», Таллиннинг «Калев» ва бошқа командаларида ўйнашяпти.

— Янги ташкил этилган АСК (Тошкент) яқин йиллар ичида олий лигага чиқа оладими!

— Командага СССР ва Олимпия чемпиони Алижон Жармуҳамедов тренерлик қилмоқда. Мухлислар уни яхши билишади. Алижон дастлаб «Университет»да, кейинчалик Армия хизматига чақирилиши муносабати билан МАСКда ўйнаган. Йигитларнинг бу йилги ҳаракати чакки эмас. Келгусида ундан умидимиз катта.

— Кўпчиликни қизиқтириб келаётган савол бор. Бизда ҳам баскетболни Болтиқбўйи республикаларидек севимли спорт турига айлантириш мумкинми!

— Болтиқбўйи республикалари баскетболи деганимизда, аввало кўз олдимизга Вильнюснинг «Жальгирис» командаси келади. Улар қозонган шоншуҳратни айтмасак ҳам, кўпчилик билади. Командада Сабонис, Марчюленис, Куртинайтис каби «юлдуз»лар ўйнашади.

Литвада ягона «Жальгирис» спорт жамияти бўлиб, ҳар йили турли мусобақалар ўтказиб турилади. Республикамизга келсак, бир неча, яъни «Буревестник», «Ёш куч» ва бошқа спорт жамиятлари мавжуд. Афсуски, улар ўзларича иш кўришади. Спорт комитети бўйича эса йилига бир марта мусобақалар ўтказилади, холос.

— Ёш баскетболчиларни тайёрлаш қандай боряпти. Шу ҳақда ҳам гапириб берсангиз.

—Талантли, ёш баскетболчилар талайгина. Ажабланарлиси шундаки, ҳанузгача республикада ёш баскетболчилар тайёрлайдиган махсус мактаб йўқ. Бундан бир неча йил олдин Самарқандда мактаб очиш тўғрисида гап бўлганди. Бутуниттифоқ мусобақаларга асосан Тошкент шаҳридан ўйинчилар оламиз. Сабаби, кўпчилик ота-оналар ўз фарзандларининг у шаҳарда, бу шаҳарда ҳафталаб, ўн кунлаб қолиб кетишларига рози бўлавермайдилар. Областларимизда эса, ҳали айтганимдек талантли ёшлар кўп. Пойтахтда эса шу вақтгача битта ҳам замонавий баскетбол зали йўқ. Спортнинг бу турини ривожлантириш ва оммалаштириш учун имкониятлардан оқилона фойдаланиш пайти келди, деб ўйлайман.

Суҳбатни **М. АБДУЛЛАЕВ** олиб борди.

Жиноят ва қонун

⊙ БОСҚИНЧИЛИК

Гражданин Л. [illegible]утник массиви 5-квартал, -уй йўлагига қадам қўйишга улгурмасдан айрим буюмларидан жудо бўлишига тўғри келди. Кеч соат еттиларга яқин юзларини шарф билан ўраб олган икки нотаниш кимса пичоқ билан тажовуз қилиб, унинг видеомагнитофони, 2 та кассетаси, сариқ металлдан ишланган узуги ва 27 сўм пулини тортиб олишди. Қидирув ишлари натижасида олдинроқ фильмларни ўзгалар видеомагнитофонида кўриш ишқибози А. Реванов экани аниқланди.

Босқинчилик ҳоллари шаҳримизда учраб турганлиги муносабати билан эслатиб ўтмоқчимиз. Ўзбекистон ССР Жиноят кодексининг 127-моддасида шундай дейилган: «Босқинчилик, яъни гражданларнинг шахсий мулкини эгаллаш мақсадида жабланувчининг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфли бўлган зўрлик ишлатиб ёки шундай зўрлик ишлатиш хавфи билан қўрқитиб тажовуз қилиш — уч йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади...».

Босқинчилик қилган А. Реванов қилмишига иқрор бўлди. Унинг шеригини тутиш чоралари кўрилди.

⊙ ЎҒИРЛИК

Тавбасига тайинмаган кишининг қилмиши уни қайта-қайта адашишга мажбур этаркан. Шахсий мулкни ўғирлагани учун судланган Ш. Халилов 1988 йил февралидан буён ишламади. Бўш вақти кўплигидан машина ўмаришга одатланди. Ўтган йилнинг 16 декабрь куни кечаси Юнусобод массивидан «ВАЗ-106» маркали машинани олиб қочди. Ҳодиса изидан тушган милиция ходимлари уни шу йил 7 январь куни қўлга олишди. Дастлабки сўроқ давомида Ш. Халилов ўша куни тунда бошқа машинанинг пешойнасини, унинг салонидаги магнитофон ва плашни ўғирлагани маълум бўлди.

* * *

Наманган области Янгиқўрғон районидаги автосервис слесари А. Мадраҳмов Сағбон кўчасидан машинани кимдир олиб қочгани ҳақида ўз вақтида хабар берди. Шаҳар давлат автомобиль инспекцияси бошқармасининг йўл-патруль хизмати ротаси командири С. Қосимбеков ва унинг ўринбосари Х. Ирисқулов Қорасарой кўчасида «Москвич-412» маркали Д 83-58 Н номерли машина рулини тутиб бораётган А. Ризахўжаевни тўхтатишди. Олибқочарнинг зудлик билан ушланиши оғир фалокатнинг олдини олган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Чунки у маст ҳолатда йўловчилар ва транспорт қатнови гавжум кўчадан борарди.

⊙ ҚОШ ҚЎЯМАН ДЕБ

Тунги соат 5 ларга яқин Бийск кўчасидаги 21-уйнинг алангa олгани ҳақида хабар олинди. Ўт ўчирувчилар етиб келган пайтда 20 квадрат метр майдондаги айвон ва том ёниб ётарди. Кўздан кечириб чиқиш ва оловни жиловлаш чоғида ётоқхонада ис газидан нафаси қайтиб вафот этган хонадон соҳибаси ва икки боланинг жасади топилди. Дастлабки текширишлар шуни кўрсатмоқдаки, ўчирилмай қолдирилган газ плитаси ёнғинни келтириб чиқарган.

⊙ БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАНЛАР ҚИДИРИЛМОДА

Дилором Акмалова Акрамхўжаева, 1973 йилда Тошкентда туғилган. 1988 йил ноябрь ойида уйидан чиқиб кетган ва дом-дараксиз йўқолган. У Собир Раҳимов районидаги Қамарнисо кўчаси 3-проезд, 4-уйда яшарди.

Белгилари: бўйи 160—165 сантиметр, юзлари думалоқ, сочи қора ва калта, пешонасининг кенглиги ўртача, қошлари қора, ёйсимон, бурни тўғри, лаблари ўртача қалинликда, ўнг биқинида кўричак операциясидан қолган тиртиқ бор.

Эгнида кўк рангдаги оқ йўл-йўл спортча кийлак ва трико, жигарранг плашч бор эди.

Ўзингиз гувоҳ бўлган жиноятлар, уларни содир этган шахслар, ўғирланган буюмларни сотаётган ёки сотиб олаётган кишилар, дом-дараксиз йўқолганлар ҳақидаги маълумотларни 02, 33-71-4[illegible], 56-99-10 номерли телефонлар орқали хабар қилишингизни ўраймиз.

Ғ. БОЛТАБОЕВ,
Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси ходими, милиция капитани.

Шахсий фикрим

ҲИНД КИНОФИЛЬМЛАРИ «ЗАНГОРИ ЭКРАН»ДА КЎРСАТИЛСА...

Ўтган йил 8 октябрда «зангори экран» орқали намойиш этилган «Ҳинд киноси ҳақида бир неча сўз» кўрсатувидан сўнг чуқур ўйга толдим. Кўз олдимга 60-йиллар манзараси келди. Ҳа, у вақтларда Ўзбекистон телевидениеси орқали «Она Ҳиндистон», «Ганга ва Жамна», «Янги Деҳли», «Симладаги муҳаббат», «Тошдаги достон», «Бомбей — тун оғушида» ва бошқа кўпгина ҳинд фильмлари, наинки ҳинд — араб, турк кинофильмлари ҳам тез-тез намойиш қилиб туриларди.

Дубляжимизнинг моҳир усталари томонидан ўзбек тилида жаранглаган бу бадиий фильмларни ҳамшаҳарларимиз марок билан кўришарди.

Маълумки, ўзбек ва ҳинд халқларининг дўстлиги, иқтисодий, адабий ва маданий алоқалари узоқ тарихга эга. Бу асрлар оша давом этиб келаётган мустаҳкам ва бузилмас риштадир. Маълумки, ўзбек халқи азалдан ҳинд санъатини севади. Айниқса сермазмун, ҳаяжонга бой бадиий ленталарни қайта-қайта томоша қилади, ундан чексиз завқ олади. Афсуски, сўнгги йилларда чиқарилган ҳинд фильмларининг бирортаси ҳам ўзбек тилига таржима қилинмади. Неча йилдирки, ҳатто рус тилида ҳам телевидениеда намойиш қилинмаяпти. Ахир улар севгига, дўстликка садоқат, ҳалолликка ундовчи мавзуларда яратилган картиналар-ку! Айтишлари мумкин, вақти-вақти билан кинотеатрларда қўйиляптику, деб. Лекин ўша куни ҳамма ҳам вақт топа олармикин? «Дайди», «Жаноб — 420», «Сангам» каби машҳур фильмларни томоша қилган кишилар ҳанузгача мақтаб гапириб юришади, «яна бир кўрсам» деб орзу қилишади.

Шу ўринда ўйлаб қоласан киши: наҳотки 60-йилларда мумкин бўлган ишларни ҳозир амалга оширишнинг иложи йўқ? Жамиятимизда қайта қуриш жараёни жадал давом этаётган, инсон омили биринчи ўринга қўйилаётган бир вақтда меҳнаткашларнинг маданий дам олишига нега етарли эътибор берилмаяпти? Агар шу ҳақда мутасадди раҳбарларга мурожаат этсангиз, жавоблари тайёр: яъни ҳинд фильмларига харид қилинган кундан бошлаб 8 йилгача телевидение орқали намойиш қилмаслик шарти қўйилар экан.

Ўринли савол туғилади: Хўш, модомики шундай экан, 60 ва 70-йилларда бизга келтирилган бадиий ленталарнинг «белгиланган муддати» аллақачон ўтиб кетган-ку, уларни нега намойиш қилиш мумкин эмас? Ўша йилларда яратилган «Сангам», «Жаноб — 420», «Дунё», «Садоқат», «Бобби», «Менинг исмим масхарабоз», «Гул ва тош», «Филлар — менинг дўстларим», «Қасос ва қонун» каби кўпгина фильмларни халқимиз яхши кутиб олган, иложи бўлса ҳозир ҳам кўргилари бор-ку!

Менинг фикримча, ҳеч бўлмаганда ҳар икки-уч ойда бир марта «зангори экран» орқали ҳинд фильмлари кўрсатиб борилса, авваллари мунтазам намойиш қилинадиган «Ҳинд кинофильмларидан қўшиқлар» кўрсатуви яна қайтадан тикланса нур устига аъло нур бўлур эди.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

«Киев-88» ТТЛ— профессионаллар учун

ФОТОАППАРАТНИНГ ЭНГ АСОСИЙ АФЗАЛЛИГИ — ТЕЗ ОЛИНУВЧИ, ЎЗАРО АЛМАШИЛАДИГАН КАССЕТАЛАРДИР. БУ ОПЕРАТИВ РАВИШДА БИР ПЛЁНКАДАН ИККИНЧИСИГА ЎТИШ ИМКОНИНИ БЕРАДИ, МАСЪУЛИЯТЛИ ДАМЛАРДА ҲОТИРЖАМ СУРАТГА ОЛИШИНГИЗГА ЁРДАМ БЕРАДИ.

Сакровчи диафрагмали гардишдаги экспанометр қурилмаси объектив ортидаги ёруғликни ўлчаш, видержка ва диафрагмани катта аниқлик билан белгилаш имконини беради.

ФОТОАППАРАТНИНГ ТЕХНИК МАЪЛУМОТЛАРИ

кадрининг ҳажми — 6х6 сантиметр,
кадрларининг сони — 12 та,
объективи — «Волна—3В» «МС Волна 3В» бўлиши мумкин,
Фокус масофаси — 80 миллиметр,
нисбий туйнуги — 1:2, 8,
фокусни ростлаш чегараси — 0,6 метр,
объективи бурама байонетга маҳкамланади,
видержка диапазони — 1/2 — 1/1000, «В», с,
кадр секунднинг 30 дан бир улушида тўла очилади,
ёритувчи лампани кабель билан ва кабелсиз улаш мумкин,
фотоаппаратнинг ҳажмлари — 175х115х112 миллиметр,
вазни — 2,1 килограмм.

ЧАКАНА НАРХИ 555 СЎМ ВА 625 СЎМ.

«РАССВЕТ» МАРКАЗИЙ РЕКЛАМА КОММЕРЦИЯ БИРЛАШМАСИ.



Фрунзе районн аҳолиси учун

Райпишчеторг ҳузурида «ҚАЛДИРҒОЧ» кооперативи ташкил этилган. Кооператив 53-51-15 телефони орқали олдиндан берилган буюртмалар бўйича хонадонларда бўлиб бўш шиша идишларни қабул қилади.

Идишларга кооперативлар учун тасдиқланган прейскурант бўйича ҳақ тўланади.

Фрунзе райпишчеторги.

Қизлар, Сизлар учун!

«ШУҲРАТ» МАКТАБ-МАГАЗИНИ 8 ЁКИ 10-СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА, ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ПРОПИСКАСИ БЎЛГАН 17-25 ЁШДАГИ ҚИЗЛАРНИ ТАКЛИФ ҚИЛАДИ.

Бу ерда сиз этика, эстетика, психологияга оид билимларни эгаллайсиз, малакали сотувчи кўникмасини ҳосил қиласиз.

ЎҚИШ РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Ўқиш муддати 5 ва 6 ой. Ҳар ойда 52 сўмдан 63 сўмгача стипендия берилади.

БИТИРУВЧИЛАРГА КИЧИК СОТУВЧИ ЁКИ КОНТРОЛЁР-КАССИР МАЛАКАСИ БЕРИЛАДИ ВА УЛАР ТОШКЕНТНИНГ САВДО КОРХОНАЛАРИДАН БИРИДА ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Зарур ҳужжатлар: директор номига ариза, аттестат ёки маълумоти ҳақида гувоҳнома, мактабдан ёки сўнгги иш жойидан характеристика, иккита 6х9 ва иккита 3х4 сантиметр ҳажмида фотосурат.

Мактаб-магазин адреси: Тошкент, Чилонзор массиви, 11-квартал, 2-уй (20, 34, 41, 50, 70, 75 79, 87, 152, 187, 182, 189-автобуслар, 6, 11, 13, 19-троллейбусларнинг «Шуҳрат» бекати, метронинг «Чилонзор» станцияси).

ҲУЖЖАТЛАР СОАТ 10 ДАН 18 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

«ШУҲРАТ» МАКТАБ-МАГАЗИНИ.

Уйингиздаги чашма



«РОДНИК-3» МАИШИЙ ФИЛЬТРИ ТУФАЙЛИ ХОНАДОНИНГИЗДА ВОДОПРОВОД ЖЎМРАГИДАН ТАЪМИ ВА МУСАФФОЛИКДА БУЛОҚ СУВИДАН ҚОЛИШМАЙДИГАН ОБИ ҲАЁТ ОҚАДИ. У СУВНИ ҲАР ХИЛ ҲИД ВА ЧЎКМАЛАРДАН ТОЗАЛАЙДИ.

ФИЛЬТР ЮҚОРИ СИФАТЛИ БИР ҚИСМИ КУМУШ БИЛАН ИМПРЕГНАЦИЯЛАНГАН АКТИВ КЎМИР БИЛАН ТАЪМИНЛАНГАН.
Фильтрнинг баҳоси — 4 сўм 10 тийин.

ХЎЖАЛИК МАГАЗИНЛАРИДА СОТИЛМОҚДА.

«УЗХОЗТОРГ»нинг Тошкент областлараро базаси

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.

Реклама ва эълонлар

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 18/I да **Дон Кихот,** 19/I да **Отелло.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 18/I да **Отелло.** 19/I да **Ҳазрати аёл.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 18/I да **Сўнмас аланга,** 19/I да **Тоҳир ва Зуҳра.**

Кино

18 ЯНВАРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «МЕНИНГ ИСМИМ АРЛЕКИНО» (18.30, 20.45).
Чайка — «МЕНИНГ ИСМИМ АРЛЕКИНО» (18.30, 21.00);
Нукус — «МЕНИНГ ИСМИМ АРЛЕКИНО» (17, 19.15, 21.30).
ЎзССР 25 йиллиги — «ЯРАМАС КИШИ» (17, 19.00).
Ватан — «ТЎРТ ОҒАЙНИ» (18.30, 20.45):
Лисунов номли — «ҚИММАТГА ТУШГАН ҲАЛОВАТ» (тоқ соатларда).
Қозоғистон — «ТЎРТ ОҒАЙНИ» (18, 21.00); «УЧ МУШКЕТЕРЛАРДЕК» (17, 20.00).
Искра — «ЯРАМАС КИШИ» (17, 19, 21.00).

19 ЯНВАРДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

Санъат саройи — «МЕНИНГ ИСМИМ АРЛЕКИНО» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).
Чайка — «МЕНИНГ ИСМИМ АРЛЕКИНО» (16, 18.30, 21.00); «ЖОДУ ҚИЛИНГАН ИЛОНЛАР ВОДИЙСИ» (10.45, 12.30, 14.15).
Нукус — «ЖОДУ ҚИЛИНГАН ИЛОНЛАР ВОДИЙСИ» (10.45, 12.15); «МЕНИНГ ИСМИМ АРЛЕКИНО» (14.30, 17, 19.15, 21.30).
ЎзССР 25 йиллиги — «ЯРАМАС КИШИ» (13, 17, 19.00).
Ватан — «УЧ МУШКЕТЕРЛАРДЕК» (11, 13.30); «ТЎРТ ОҒАЙНИ» (16, 18.30, 20.45).
Лисунов номли — «ҚИММАТГА ТУШГАН ҲАЛОВАТ» (тоқ соатларда).
Восток — «УЧ МУШКЕТЕРЛАРДЕК» (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).
Қозоғистон — «ТЎРТ ОҒАЙНИ» (12, 15, 18, 21.00); «УЧ МУШКЕТЕРЛАРДЕК» (11, 14, 17, 20.00).
Искра — «ЯРАМАС КИШИ» (11, 13, 15, 17, 19, 21.00).

АВТОМАТ ЖАВОБ БЕРУВЧИ ТЕЛЕФОНЛАР:

К. Ерматов номли — 24-22-66.
С. Раҳимов номли — 48-46-71.
Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли — 53-98-50.
Нукус — 46-70-69.
Ҳамза номли — 91-10-51.
М. Шайхзода номли — 42-39-74.

Кинотомошабинларга кино хизмати кўрсатиш маданиятини яхшилаш, юксалтириш билан боғлиқ таклиф ва истаклар юзасидан Тошкент шаҳар ижроия комитетининг Бош маданият бошқармасига 33-37-11 телефони орқали қўнғироқ қилинсин.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИ

АҲОЛИДАН

революцияга қадар эҳтиёжда бўлган ҳар турдаги миллий эркак ва хотин-қизлар кийимлари, уй-рўзғор эҳтиёжлари учун хизмат қилган идишлар, заргарлик буюмлари ва ҳоказоларни

СОТИБ ОЛАДИ

Справкалар олиш учун телефонлар: 44-11-70, 44-20-98.

Тошкент шаҳар Фрунзе районидаги 13-кечки мактаб томонидан **Ҳасанов Зиёдулла Суннатуллаевич** номига берилган Д 669221 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Реклама ва эълонлар

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЁШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА
21, 22 ЯНВАРЬ СОАТ 19.00 да

Шукур ХОЛМИРЗАЕВ.

«Зиёфат» спектакли

(икки пардали драма)

ПРЕМЬЕРА

Коллектив бўлиб кўриш учун буюртмалар қабул қилинади.

Касса соат 10 дан 20 гача очиқ.

Телефон: 44-56-52.

Тошкент давлат циркида

(«Хадра» майдони)

21 ЯНВАРДАН БОШЛАБ

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА

«Денгиз ҳайвонлари» аттракциони

Оригинал дрессура.
Ҳайвон ўргатувчилар — ТАТЬЯНА ВА ВАСИЛИЙ ТИМЧЕНКОЛАР.
Олдиндан билет сотиш кассаси очиқ.
Коллектив бўлиб тушиш учун буюртмалар қабул қилинади.
Қишлоқ жойларда яшовчи томошабинларнинг буюртмалари навбатдан ташқари амалга оширилади.
Справкалар учун телефонлар: 44-35-91, 44-35-84, 44-28-04.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги «ҚИЗИЛ ТОНГ» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси қошидаги

48-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1989-90 ўқув йили учун

Ўқувчилар қабул қилади

Ўқишга Тошкент шаҳрида ва Тошкент областининг пойтахтга яқин районларида яшовчи, 8-10-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган қизлар қабул қилинади.

Билим юрти хотин-қизлар, эркаклар ва болалар устки кийимларини тикиш бўйича тикувчи-мотористкалар тайёрлайди.

8-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган қизлар 3 йил ўқийдилар ва бепул овқат, кийим-бош билан таъминланадилар.

Ўқишни битирганларидан сўнг улар ўрта маълумот ва касб эгаллаганликлари ҳақида диплом оладилар.

Ўрта маълумотга эга бўлган қизлар 1 йил ўқийдилар ва улар ҳар ойда 30 сўм миқдорида стипендия билан таъминланадилар.

Ҳамма ўқувчилар ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаб топган иш ҳақларининг 50 процентини оладилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртида ўқувчилар Индира Ганди номидаги маданият саройида бадиий ҳаваскорлик ва бошқа истаган тўгарак, спорт секцияларида иштирок этишлари мумкин. Ўқувчилар санаторий-профилакторий ҳамда корхона медицина хизматидан тўла фойдаланиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Билим юртига кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: билим юрти директори номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисида ҳужжат (асли), турар жойдан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, медицина справкаси, 3х4 сантиметр ҳажмидаги 4 дона фотосурат, характеристика, таржимаи ҳоли.

Туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки паспорт шахсан кўрсатилади.

Мурожаат учун адрес: 700061, Тошкент шаҳри, Чехов кўчаси, 5 «А» уй. Телефон: 33-19-24 (2, 3, 25, 60 э», 71, 80 «э» автобуслар; 1, 2, 5, 9, 10, 24, 26-трамвайлар; 1, 5, 8, 10, 17-троллейбусларнинг «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси» бекати).

Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг

ЎҚУВ КОМБИНАТИ

трамвай ва троллейбус ҳайдовчилари курсига

қабул эълон қилади

Трамвай ҳайдовчилар учун ўқиш муддати — 5 ой, ўқишга кирувчиларнинг ёши 20 дан кам бўлмаслиги шарт, троллейбус ҳайдовчилар учун ўқиш муддати — 6 ой, ўқишга кирувчиларнинг ёши 21 дан кам бўлмаслиги шарт.

Ойига 70 сўм стипендия тўланади.

Курсларга қабул қилинганлар трамвай ва троллейбусларда бепул юриш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Ёлғиз кишиларга ётоқхонадан жой берилади.

Қуйидаги адресларга мурожаат қилинсин:

— 1-трамвай депоси — Гайдар кўчаси, 50 уй.
— 2-трамвай депоси — Ғ. Ғулом кўчаси, 57-уй.
— «Красновосточное» депоси — Красновосточная кўчаси, 3 «а» уй.
— 1-троллейбус депоси — Т. Шевченко кўчаси, 28-уй.
2-троллейбус депоси — Пионер кўчаси, 4-уй.
— Тошкент трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг ўқув комбинати — Новий путь кўчаси, 180 «а» уй.

Машғулотлар — группаларнинг комплектлашувига қараб бошланади.

Реактор
Т. М. ҚОЗОҚБОЕВ.

ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбек ва рус тилларида муқаил равишда нашр этилади.

«Тошкент оқшоми»
(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

РЕДАКЦИЯ АДРЕСИ:
700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Телефонлар: қабулхона — 32-53-76; бўлимлар: партия турмуши ва совет қурилиши — 32-57-84; экономика ва шаҳар хўжалиги — 32-54-19; социал проблемалар — 32-53-10; хатлар ва оммавий ишлар — 33-29-70; жамоатчилик редакцияси — 33-99-42, 32-53-66, 32-54-15; «Ташкентская неделя» рекламалар иловаси — 32-56-84; эълонлар — 33-81-42.

Якшанбадан ташқари, ҳар куни чиқади. Тиражи — 12900.